

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ
МЕТОДИКА МАРКАЗИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ
ИЛК ЁШ ГУРУҲИ УЧУН
НУТҚ ЎСТИРИШ БЎЙИЧА МАШҒУЛОТ
ИШЛАНМАЛАРИ

Тошкент-2015

Ушбу методик қўлланма 2-3 ёшдаги мактабгача ёшдаги болаларнинг оғзаки нутқини ўстириш ва саводга тайёргарликда тарбиячилар ҳамда оналарга ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилди. Қўлланмада мактабгача таълим муассасаларининг илк ёш гуруҳи учун бир йиллик машғулотлар ишланмалари тўлиқ ёритиб берилган.

Муаллифлар: М. Файзуллаева

Тақризчилар: Г.Қ.Жалолова-Тошкент ш.
Юнусобод тумани 47-МТМ логопеди

С. Мажидова- Тошкент ш.
Учтепа тумани 550-МТМ методисти

Мухарир: А.Усмонова

Нашр учун
масъул: М. Ш. Расулова-п.ф.н. , доцент

Методик қўлланма Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика Марказида ташкил этилган Илмий-методик кенгашнинг 201... йил ...-сонли баённомаси қарори билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг биринчи бўғини ҳисобланиб, у мактабда ўқиш учун тайёр, соғлом болани тарбиялашни кўзда тутди.

Болани мактабда муваффақиятли таълим олишга тайёрлашда, унга она тилининг барча бойликларини эгаллаб олиш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш зарур.

Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талабларининг асосий йўналишларидан бири нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарликдан иборат. Бу умумий вазифа –“Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик” қуйидаги махсус вазифалардан иборат: нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш, луғатни бойитиш, мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш, нутқнинг грамматик тўғрилигини такомиллаштириш, оғзаки (диалогик) нутқни шакллантириш, равон нутқни ривожлантириш, бадий сўзга қизиқишни тарбиялаш, саводга тайёргарлик.

Ушбу методик қўлланма 2-3 ёшли болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш ва саводга тайёрлашда тарбиячига ва ота-оналарга ёрдам бериш мақсадида тайёрланган бўлиб, йил давомида ўтказиладиган 36 та машғулот педагогик технология талабларини инобатга олиб ёритиб берилган. Мавзу мазмуни машғулот давомида болаларга грамматик машқлар, турли интерфаол ўйинлар ёрдамида мустаҳкамланади.

Машғулот ишланмаларида 3-4 вазифа: боғланган нутқ, грамматика, луғат, товуш маданияти, саводга тайёргарлик вазифалари ўзаро узвий боғлиқ ҳолда олиб боришга ҳаракат қилинди. Бу иш услуби болаларнинг дастур вазифаларини тезроқ эгаллашларига ёрдам беради. Машғулот ишланмалари болаларни тарбиячи ёрдамида ҳикоя тузиш, расмга қараб тарбиячи берган саволларга жавоб бериш ва қайта ҳикоя қилиш ва саводга тайёрлашга ўргатишга қаратилган. Унда болаларнинг мустақиллиги ва фаоллигини ошириш мақсадида ҳар хил таълим - тарбиявий иш усуллари: ўйин: таълимий, оғзаки: суҳбат, савол-жавоб, ҳикоя қилиш, тушунтириш, баҳс-мунозара; кўргазмалилик: расмни кўздан кечириш, кузатиш, сайр; амалий: машқ қилдириш, амалий топшириқ, таққослаш ва турли интерфаол ўйинлардан фойдаланилди ва улар ёрдамида мустаҳкамланди.

Қўлланмадан тарбиячилар, ота-оналар ва мактабгача таълим йўналиши талабалари болаларни мактаб таълимига тайёрлаш жараёнида ижодий фойдаланишлари мумкин.

Илк ёш гуруҳи учун нутқ ўстириш машғулоти

Нутқ, ўқиш ва саводга тайёрлаш

1-ярим йил					2-ярим йил						Йил давомида
IX	X	XI	XII	жами	I	II	III	IV	V	жами	
4	4	4	4	16	4	4	4	4	4	20	36

№	Ойи	Машғулот мавзуси
1	Сентябр	Таълимий ўйин “Топширикни бажар”
2		Полизга мақсадли сайр уюштириш
3		“Шолғом” эртагини ҳикоя қилиш
4		“U” товушини тўғри талаффуз қилиш
5	Октябр	Таълимий ўйин “Қандай?”
6		“Чумчук” шеърини ўқиб бериш
7		Таълимий ўйин “Қўғирчоқ Лолахоннинг кийимларини кўриш”
8		“Болалар товуқ ва жўжаларга дон беришяпти” сурати устида суҳбат
9	Ноябр	“Алла” овутомачоғини ўқиб бериш
10		Таълимий ўйин “Ким нима қияпти?”
11		“Бўри билан эчки” эртагини ҳикоя қилиш
12		Таълимий ўйин “Нима қандай қичқиради?”
13	Декабр	“Биз қушларни қандай овқатлантирамыз” сурати устида суҳбат
14		“Икки эчки” эртагини ҳикоя қилиш
15		Таълимий ўйин “Ким нима қияпти?”
16		“Мушук” шеърини ўқиб бериш
17	Январ	“Боғчада қиш байрами” сурати устида суҳбат
18		“Чапак- чапак” овутомачоғини ўқиб бериш
19		“Қурк товуқ” эртагини ҳикоя қилиш
20		“Болалар овқатлантиряптилар” сурати устида суҳбат
21	Феврал	Ўзбек халқ эртаги “Мақтанчоқ қуён”ни сўзлаб бериш
22		“Саман тойчоқ” шеърини ўқиб бериш
23		Таълимий ўйин “Топширик”
24		Болалар балиқни овқатлантиряптилар” сурати устида суҳбат
25	Март	Ўйинчоқ автомашина, автобусни кузатиш
26		“Бўғирсоқ” эртагини ҳикоя қилиш
27		“I” товушини тўғри талаффуз қилиш
28		“Офтоб чикди” шеърини ўқиб бериш
29	Апрел	Қушчани кузатиш
30		Таълимий ўйин “Ажойиб халтача”
31		“Эчки болалари” эртагини ҳикоя қилиш
32		Таълимий ўйин “Қўғирчоқ Лолахонни чўмилтирамыз”
33	Май	“Қўнғиз нима дейди” шеърини ўқиб бериш
34		“Она боласини чўмилтиряпти” сурати устида суҳбат
35		“S” товушини тўғри талаффуз қилиш
36		Кўргазмасиз ҳикоя қилишга ўргатиш

Мавзу: Таълимий ўйин "Топшириқни бажар".

Мақсад: Болаларнинг сўз бойликларини ўйинчоқлар номини англатадиган отлар билан бойитиш. Катта-кичик, устида-тагида каби сўз бирикмаларини болалар луғатига киритиш.

Болаларни ўйинчоқларни ажратиш ва унинг номларини айтишга ўргатиш, шунингдек уларнинг асосий сифатлари(ранги ва ҳажми) билан таништириш.

Вазифаси: Болаларни нутқни тушуна олиш, эшитиш қобилиятини шакллантириш, болаларга "устиди-тагида" сўзларининг маъносини тушунтириш ва бу сўзларни тарбиячининг кетидан ифодалашга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар: Болалар гуруҳ хонаси билан танишадилар, "Устиди-тагида" сўзларининг мазмунини билиб оладилар.

Керакли жиҳозлар: Турли ўйинчоқлар: катта-кичик қўғирчоқлар, қуёнчалар, айиқчалар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячининг столида ўйинчоқлар: катта ва кичик айиқчалар, катта ва кичик қуёнчалар, катта ва кичик қўғирчоқлар, катта ва кичик машиналар бор. Ўйинчоқларни кўрсатиб тарбиячи уларнинг номларини айтишга, унинг ҳажмини, рангини айтишни сўрайди.

Тарбиячи: Менинг столимда қандай ўйинчоқлар бор?

Ўйинчоқни номини айт. (Айиқча)

Ўйинчоқ каттами, кичикми? (Айиқча катта)

Бу ўйинчоқнинг номи нима? (Машина)

Машина каттами, кичикми? (Машина кичкина)

Машинанинг ранги қандай? (Қўқ)

Бу ўйинчоқнинг номи нима? (Копток)

Копток ранги қандай? (Қизил)

Копток каттами, кичикми? (Копток катта)

Шу тарзда қолган ўйинчоқлар ҳам болалардан шундай сўралади.

Таълимий ўйин "Топшириқни бажар".

Тарбиячи ўйинчоқлар юзасидан болаларга топшириқлар беради.

Масалан: Катта қўғирчоққа кичкина коптокни совға қил.

Кичкина қуёнчани ол ва гиламни устига ўтказ, кичкина қуёнчани катта машинага ўтказ ва ҳокозо.

Тарбиячи болалар билан ўйинчоқлар юзасидан яна бир ўйин ўйнайди.

Ўйин: Машина қаерда?

Тарбиячи илтимосига кўра бола машинани қутини ичига, столнинг устига, стулнинг тагига қўяди. Тарбиячи боладан “Машина қаерда?” деб сўрайди. Бола “Машина стулнинг тагида” деб жавоб беради ва ҳақозо.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

Бу ўйинчоқнинг номи нима?

Қуёнча қандай?

Айиқча қандай?

Машина қаерда турибди? (устида, тагида)

2- машғулот

Мавзу: Полизга мақсадли сайр уюштириш

Машғулотнинг мақсади: Болаларга сабзавотларнинг қаерда етилиши ҳақида маълумот бериш. Полиз билан таништириш. Полизда сабзи, шолғом, карам, помидор каби сабзавотларнинг ўсиши ва уларни таниб, номини айтишга ўргаташ. Сабзавотларнинг пояси, палагига қараб ажрата билиш (лавлаги, сабзи, помидор ва б.)га ўргатиш.

Вазифа: Болаларни сабзавотлар номини тўғри талаффуз қилишга ўргатиш.

Кутилаётган натижа: Болалар полизда сабзи, шолғом, карам, помидор каби сабзавотларнинг ўсишини билиб оладилар.

Керакли жиҳозлар: Сават, сабзавотлар (сабзи, шолғом, карам, помидор)

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи болаларни полизга олиб боради. Болаларга полиз, эгатларни кўрсатади. Болалардан полиз, эгат каби сўзларни қайтаришни сўрайди. Эгатда пишаётган сабзини кўрсатиб, сабзининг кўринмаётганини, унинг яшил барги ташқарига чиқиб турганлигини, баргидан тортса, сабзи чиқишини айтади. Тарбиячи 1-2 та сабзини ердан чиқариб кўрсатади. Болалар сабзини кўриб унинг ифлосланганлигини, бу сабзини албатта ювиш лозимлигини таъкидлайди. Сўнгра тарбиячи болаларга помидор кўчатини кўрсатади. Тарбиячи болаларга яшил ва қизил помидорларни кўрсатади.

Ўйин: Саватчада нима бор?

Тарбиячи болаларга навбати билан стол устидаги саватчада турган сабзовотлар номини айтишни таклиф этади. «Сабзини кўлингизга олиб кўрсатинг», «Сабзи қаерда ўсади?» «Помидорни кўлингизга олиб кўрсатинг», «Помидор қаерда ўсади?» Бошқа сабзовотларни кўришда ҳам худди шу топшириқ такрорланади. Сўнгра, иккита сабзовотни бир-биридан фарқи, шакли, ранги, катта-кичиклиги аниқланади. Бу фарқларни аниқлашда болалар сабзовотларни ушлаб, силаб, ҳидлаб, думалатиб, бир-бирини олдига яқинлаштириб кўриш каби усуллардан фойдаланадилар.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимларини текшириш учун саволлар:

Болалар сабзавотлар қаерда пишади?

Қандай сабзавотларни биласиз?

Сабзининг ранги қандай?

Картошканинг ранги-чи?

Помидорнинг ранги қандай?

Карамнинг ранги қандай?

3-машғулот

Мавзу: "Шолғом"эртагини ҳикоя қилиш

Мақсад: Болаларда эртакни қизиқиб эшитиш, эртакни тарбиячи билан бирга айтишга иштиёқ уйғотиш.

Вазифа: Болаларда тарбиячининг нутқини тинглаш ва тушуниш, берилган саволларга тортинмасдан жавоб бериш малакасини шакллантириш. " а " товушини якка ҳолда талаффуз этишни машқ қилдириш.

Кутилаётган натижалар: Болалар "Шолғом" эртагини тарбиячи билан биргаликда саҳналаштиришга ўрганадилар.

Керакли жихозлар:"Шолғом" стол театри.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи эртакни стол театри орқали саҳналаштириб, болалар билан биргаликда 2 марта ҳикоя қилади. Сўнгра тарбиячи эртак қаҳрамонларини тарқатади ва эртакни яна бир марта кўрсатиб беришни таклиф қилади. Уни ўзи бошлайди, давомини болалар айтишларига имконият яратади. (биринчи бола "Буви набирасини чақиради жумласигача, иккинчиси "Невараси кучукчани чақиради" жумласигача айтади ва ҳ.к.").

Тетиклаштирувчи машқ.

Тарбиячи: Ҳозир биз ҳам шолғом экамиз. (болалар шолғом

экадилар). Шолғомингиз катта бўлибди. Кўрсатинглар-чи! (Болалар секин оёқ учида туриб қўлларини юқорига кўтарадилар, машқ бир неча марта ўйналади.). Тарбиячи: Болалар, бобо, буви, невараси шолғомни ювиб, тозалаб шолғом шўрва қилиб ичишибди. Кампир шолғом шўрвани ичганда "Мазали шолғом экан" деб мақташибди. Лекин кучукча, мушукча, сичқонча уларга қараб ўтиришибди. Бобонинг невараси уларга бошқа овқат олиб келибди: кучукчага суяк, мушукчага сут, сичқончага нон бўлагини. Болалар мушукчага "Ол мушукча, сут ич", кучукчага "Ол кучукча суякни ғажи", сичқончага "Ол, сичқонча нон бўлагини е" деб биргаликда айтишади.

Тарбиячи болалардан ким нима еяётганини қайтариб сўрайди. Болалар бобо, буви, невараси шолғом шўрва, кучукча суяк, мушук сут, сичқон нон бўлагини еганини айтишади.

Тарбиячи: Болалар: "Оғзингизни очинг ва "а-а-а" деб айтинг" дейди. Болалар қайтаришади. Шу тариқа болалар "а"товушини якка ҳолда талаффуз қилишади.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини аниқловчи саволлар.

Эртакнинг номи нима эди?

Ким шолғом экибди?

Шолғомни кимлар тортди?

Ким шолғом шўрва ичди?

Мушук нима еди?

Кучук нима еди?

Сичқон нима еди?

4-машғулот

Мавзу: "U"товушини тўғри талаффуз этиш "Паровоз" таълимий машқи

Мақсад: "U"товушининг талаффузини аниқлаш. Ҳамма болаларни "U" товушини чўзиб талаффуз этишга ўргатиш.

Керакли жиҳозлар: 3 хил рангдаги қаламлар, ўйинчоқ паровоз.

Кутилаётган натижа: Болалар сариқ, яшил, сариқ ранг билан танишадилар, "а"товушини узок талаффуз қилишга ўрганадилар

Машғулотнинг бориши: Болалар стол атрофида ўтиришади. Патнисда уч хил рангдаги қаламлар(сариқ, яшил, қизил) туради. Болаларни чақириб истаган рангдаги қаламни олишга имкон яратади. Кимда қандай рангдаги қалам борлигини сўрайди. Машқ

2-3 марта ўйналади. Сўнгра тарбиячи болалардан чақириб битта рангни айтиб шу рангни топишни айтади. Болаларнинг топшириқни тўғри-нотўғри бажарганликларини болаларнинг ёқтирган ўйинчоқларидан бири - бўри текширади. Агар топшириқ тўғри бажарилса, бўри "уш" деб увиллайди. Агар топшириқ нотўғри бажарилса, ириллайди. Машқ 2-3 марта ўйналади.

Тарбиячи қаламларни олиб қўйиб ўйинчоқ паровозни кўрсатади. Паровоз қандай товуш чиқараётганини айтиб кўрсатади. "уш" (қаттиқ ва чўзиб талаффуз қилади.) Кичкинтойларни ҳам биргаликда "уш" деб талаффуз қилишга чақиради. Сўнгра тарбиячи "Паровозни чақир" номли ўйинни ўйнатади. Болалар "уш" деб товушни талаффуз қилади ва паровоз "юради". Агар кичкинтой секин бу товушни талаффуз қилса, паровоз бу товушни эшитмайди. Тарбиячи шу товушни бола қаттиқ ва узок талаффуз қилишига аҳамият беради. Сўнгра тарбиячи паровозга вагончаларни қўшади ва вагончаларда турли хилдаги расмлар жойлашганлигини, болалар бу расмларни томоша қилиб бу предметларнинг қандай рангда эканлигини айтади. Масалан "Менда қизил копток", "Менда яшил копток", "Менда сариқ копток дейишади"

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимларини текшириш учун саволлар:

Болалар гул қандай рангда?

Болалар барг қандай рангда?

Болалар сабзи қандай рангда?

Болалар паровоз қандай овоз чиқаради?

5-машғулот

Мавзу: Таълимий ўйин "Қандай?"

Мақсад: Болаларни қизил, яшил, сариқ рангларни ажратиш ва номларини айтишга ўргатиш.

Вазифа: Танланган ранглар асосида расм чизиш ва ранг ҳақидаги тасавурларини бойитиш.

Керакли жиҳозлар: қизил, яшил, сариқ рангдаги қаламлар.

Кутилаётган натижа: Болалар ранг ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Машғулотнинг бориши: Болалар стол атрофида ўтиришади. Стол устида патнисларда қизил, яшил, сариқ рангдаги қаламлар жойлашган. Тарбиячи болаларга қаламларга диққатларини қаратади

ва бу қаламларнинг рангини айтишни таклиф қилади. “Мана қизил рангдаги қаламлар, бу қалам билан чиннигулларни чизиш мумкин” (олдиндан чизилган расмни кўрсатади).

Патнисдаги яшил рангдаги қаламни кўрсатади ва бу ранг билан ўтларни чизиш мумкинлигини айтади. (Чизиб тугатилмаган расмни кўрсатади ва болалардан бу расмни чизиб кўради.) Болалар чизиб тугалланмаган расмларни чизадилар. Худи шу тарзда сариқ рангли қаламни олиб шу рангдаги предметни расмини чизишни таклиф қилади. Ҳар бир бола танлаган қаламининг рангини айтади.

Ўйиннинг номи: "Қизил, сариқ, яшил "

Мақсад: Болаларда сенсомоторикани ривожлантириш, диққат билан эшитишга, тез-тез ҳаракат қилишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: қизил, сариқ ва яшил доиралар чизилган, "Қизил, сариқ ёки яшил" дейилса дарров гулларидаги рангга қараб шу рангдаги доира ичига кириб оладилар, адашиб қолган бола чапак чалади ва ўйиндан чиқади.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текширувчи саволлар.

Болалар мана бу қаламнинг ранги қандай?

Манна бу қаламнинг ранги қандай?

Манна бу қаламнинг ранги қандай?

6- машғулот

Мавзу: "Чумчук" шеърини ўқиб бериш

Машғулотнинг мақсади: Болаларда шеърларни эшитиш ва мазмунини тушунишга ўргатиш. Ўйин орқали ҳар боланинг чўзиб (узоқ) нафас чиқаришни билиб олишига эришиш.

Вазифаси: тарбиячи билан биргаликда кичик шеърларни айта билишга ўргатиш. “Кимнинг қушчаси узоққа учади?” ўйини орқали болаларнинг нутқда нафас олиш ва нафас чиқаришни ривожлантириш.

Кутилаётган натижа: Болалар кичик шеърларни ёд айта оладилар. Ҳар боланинг чўзиб (узоқ) нафас чиқаришни билиб олишга эришилади.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга чумчук ўйинчоғини кўрсатади. Бу нима? Тўғри бу ўйинчоқ чумчук. Тирик ҳақиқий чумчук ҳовлида, кўчада, қафасда бўлади. Мен сизга чумчук ҳақида шеър айтиб бераман.

Чумчук чурқ-чурқ этади,

Тутни чўқиб кетади,
Чўқигани майли-я
Нега тўқиб кетади.

Шеърни бир неча марта болалар билан биргаликда айтишни таклиф килади. Тарбиячи болаларга чумчук чурқ-чурқ, тутни чўқиб кетади сўзларини такрорлашни сўрайди.

Ўйин: “Кимнинг қушчаси узоққа учади?”

Ўйинга методик кўрсатма: болалар юпқа қоғоздан тайёрланган қушчаларни пуфлаганларида бир нафас чиқаришда ҳаракатлантириш керак. Тарбиячи қушчани пуфлаганда кетма-кет пуфлаш мумкин эмаслигини айтади ва ўзи қушчани пуфлаб кўрсатади.

Ўйиннинг бориши:

Иккита стулчанинг қирраларига қушчалар қўйилади, стулчалар бир-биридан 30см. Узоқликда туриши керак. Тўртта бола қақирлиб ҳар бири стулчанинг қиррасида турган қушчаларнинг тўғрисига турғизиб қўйилади. “Қушчалар учибди” дейилган сигнал берилгач, болалар шаклларни пуфлашади, бошқалари эса кимнинг қушчаси узоққа учганлигини кузатадилар.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимларини мустаҳкамловчи саволлар.

Чумчук қандай овоз чиқаради?

Чумчукча нимани чўқиди?

7-машғулот

Мавзу: Таълимий ўйин "Қўғирчоқ Лоланинг кийимини кўриш"

Машғулотнинг мақсади: Қўғирчоқни тасвирлашга ўргатиш, саволларга жавоб бериш, катталар ёрдамида кийимларнинг номини тўғри айтишга ўргатиш.

Вазифалар: Буюмларнинг рангини тўғри айтишга, қарама- қарши маънодаги сўзлардан фойдаланишга, "о" товушини тўғри талаффузини мустаҳкамлаш (алоҳида, товуш бирикмаларида, сўзларда).

Қутилаётган натижалар: катталар ёрдамида кийимларнинг номини тўғри айтишга ўрганадилар.

Кўргазмали жиҳозлар: Қутича, қўғирчоқ кийимлари

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи қўғирчоқларни олиб келади ва болаларга- Болалар! Бу қўғирчоқлар бизникига меҳмонга келишди. Мана бу қўғирчоқнинг

исми Лола. Қўғирчоқнинг исми нима экан?

(Умумий ва яқка жавоблар). Лоланинг сочи қандай рангда? (қора).
Лоланинг сочида нима бор?(тасма). У қандай рангда?(қизил)
Кўзларининг ранги қандай? (қора, катта).

Мана бу кутичада қўғирчоқ Лолахоннинг кийимлари бор. Мен уларни олиб кўрсатаман. Бу камзул. Камзулнинг ёқаси, енги, тугмачалари бор. Бу қалпоқча. Бу қалпоқчани бошга кийилади. Шу тариқа тарбиячи қўғирчоқнинг кийимларини бирма-бир номлаб кўрсатади. Тарбиячи кийимларнинг номини болалардан такрорлашни сўрайди.

Тарбиячи қўғирчоқ Лолахон ҳақида шеър айтиш мумкин.

Қўғирчоғим

Қўғирчоғим- Қўғирчоқ

Кўзлари қора мунчоқ

Ўйнаб сира тўймайман,

Зериктириб қўймайман.

Машқ: "о" товушини тўғри талаффузини мустаҳкамлаш

Тарбиячи: Лола яхши қўғирчоқ, аммо унинг тишлари қаттиқ оғрияпти. Болалар стулчада ўтиришади, тарбиячининг қўлида жағи боғланган қўғирчоқ. Қўғирчоқнинг тиши қаттиқ оғриганидан у: о-о-о... деб инграпти. Лола қандай инграйди?—Болалар: о-о-о...—, деб такрорлайдилар. Тарбиячи қўғирчоқни навбатма-навбат болаларга узатади, қўғирчоқни олган бола о-о-о... деб талаффуз этади.

Тарбиячи: Қўғирчоқ Лолахоннинг тиши тузалди. Ҳозир биз қўғирчоқ Лолахонни сайрга олиб чиқамиз. Бунинг учун уни кийинтирамыз. Тарбиячи болаларга қўғирчоқни кийинтиришда кетма-кетликни тушунтиради. Аввал пайпоғини кияди, кейин камзулини кияди. Кейин туфлисини кийиб сайрга чиқади.

Тарбиячи қўғирчоқ Лолахонни даҳлизга ечиниш хонасига олиб чиқади. Қўғирчоқ Лолахон болаларнинг қандай кийинаётганини кўриб туради. Тарбиячи қўғирчоқ Лолахон билан болаларга кийиниш кетма-кетлигини айтиб эслатиб турадилар.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш учун саволлар

Қўғирчоқнинг исми нима?

Қўғирчоқнинг қандай кийимлари бор экан?

Қўғирчоқни қандай кийинтирдик?

Қўғирчоқ Лолахон энг аввал нимасини кийди?

Кейин-чи?

8-машғулот

Мавзу: "Болалар товук ва жўжаларга дон беряптилар" сурати устида суҳбат

Мақсад: Тарбиячининг саволларига жавоб беришга, катталар ёрдамида сурат мазмунини тасвирлашга ўргатиш. "Чип-чип" дея жўжаларни чақиришга ўргатиш.

Вазифалар: Болаларга нутқларида сифат ва феъллардан фойдаланишни ўргатиш.

Жиҳозлар: "Болалар товук ва жўжаларга дон беряптилар" сурати.

Кутилаётган натижалар. Катталар ёрдамида суратни тасвирлаб бера оладилар.

Машғулотдан олдинги ишлар: Товук ва жўжаларни дон чўқиётганини кузатиш.

Машғулотнинг бориши: Болалар, бугун биз товук ва унинг жўжалари тўғрисида суҳбатлашамиз. Болалар товуклар қандай овоз чиқарадилар? (Болалар жавоблари) Товуклар ҳар хил рангда бўладилар. Биз қандай товукларни кўрганмиз? (Болалар жавоблар Тўғри, болалар биз оқ, қора, ола-чипор товукларни кўрганмиз. (Тарбиячи расм кўрсатади) Кимнинг уйида товуклар бор? Уларга дон, сув берганмисиз?

Бугун мен сизга товук ва жўжаларга дон бераётган болалар ҳақида сурат олиб келдим. Мана бу суратга диққат билан қаранг. Қизил куйлакли қизча дон солинган тахсимчани ушлаб турибди. Қизча донни ерга сепяпти. Қизча дон сепаётганда жўжаларни чип-чип-чип деб чақирди.

Кўк куйлакли ўғил бола ердаги тахсимча олдида чўққайиб ўтириб олиб, дон чўқиламаётган жўжачаларга бир нималар деяпти. Қизиқ, бу ўғил бола жўжаларга нима деяпти экан? Энди сиз товук ва жўжалар ҳақида гапириб беришга ҳаракат қилинг. (Товук катта. Оқ рангда. Жўжалар кўп. Жўжалар кичкина, сариқ рангда.)

-Қизча дон сепаётганда жўжаларни қандай чақиради? (чип-чип-чип)

-Товук нимадан сув ичяпти?

Агар болалар жавоб беролмасалар тарбиячи ёрдам беради. Сурат ҳақида ҳикоя айтиб машғулотни якунлайди: Болалар товук ва жўжаларга дон бермоқчи бўлиб ҳовлига чиқдилар. Болалар товук ва жўжаларни "Чип-чип-чип" деб чақиришди. Болалар катта

тахсимчага дон сепишди. Товуқ ва иккита кичкина, сариқ жўжалар тахсимча олдига югуриб келишди ва дон чўқишни бошлашди. Қолган жўжалар дон чўқимай, атрофга аланглаб қараяптилар. Ўғил бола чўққайиб ўтириб олиб *“Донни чўқинглар” Дон жуда мазали*” деяпти.

Тарбиячи болаларга ажратиб кўрсатилган айрим жумлаларни такрорлашни сўрайди. (*“Чип-чип-чип”, “Кичкина, сариқ жўжалар”, “Донни чўқинглар”, “Дон жуда мазали”*)

Бармоқлар гимнастикаси:

Тарбиячи сўзлари	Бармоқ ҳаракатлари
Қоғ-қоғ қоғлаб юраман, Ховлидан дон тераман. Эртага ҳам болалар, Тухум қўйиб бераман.	Ҳар бир тактга бармоқлар галма-гал бош бармоқ билан бирлашади. -Бармоқлар тўлқинсимон ҳаракатланади -Икки қўл кафтлари бир- бири билан саломлашади - Чапак чалиш

Суҳбат якунида тарбиячи болаларга жўжалар ҳақида шеър айтиши мумкин.

Чип-чип жўжаларим,
Мени жажжи жўжаларим.
Келинг сизга дон берайин
Келинг сизга сув берайин
Оҳ, менинг жўжаларим,
Менинг попук жўжаларим,
Чип-чип жўжаларим.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш учун саволлар

- Суратда нима тасвирланган?
- Товуқ болаларини қандай чақиради?
- Жўжалар қандай овоз чиқаради?
- Қизча дон сепаетганда жўжаларни қандай чақиради? (чип-чип-чип)
- Ўғил бола жўжаларга нима деди?
- Жўжалар ҳақида ким шеър айтади?

9 -машғулот

Мавзу: "Алла" шеърини ўқиб бериш

Мақсад: Болаларда алла эшитишга нисбатан қизиқиш уйғотиш. Болаларни алланинг мазмунини тушунишга ёрдам бериш, бу аллани яна эшитишга иштиёқ уйғотиш ва тарбиячи билан бирга айтиш истагини уйғотиш, аллани ифодали талаффуз қилишга ўргатиш. Уйқудан турганидан сўнг юз-қўлини ювиш лозимлигини англатиш.

Вазифа: Болаларни аллани биргаликда эшитиб уни айтишга ўргатиш.

Керакли жиҳозлар. Қўғирчоқ, бешик, беланчак.

Кутилаётган натижа: Болалар аллани тарбиячи билан бирга айтишга ўрганадилар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга қўғирчоқ Лолахонни кўрсатади ва ўйнашга қўлларига беради Болалар қўғирчоқни қўлларига олиб, силайдилар. Сўнгра қўғирчоқни ухлашга ётқизадилар. Тарбиячи болаларга алла айтиб беради.

Кичкинасан Лоласан

Алла, болам, аллаё-алла

Қачон катта бўласан

Алла, болам, аллаё-алла

Алла, алла орастасан

Алла, болам, аллаё-алла

Аллани бир неча марта болалар билан бирга айтишади. Алла айтиш вақтида тарбиячи алла сўзларини такрорлашга ундайди. Сўнгра ихтиёрий болалардан аллани мустақил айтиб беришни таклиф қилади. (ихтиёрий). Болалар айтиб бера олмасалар тарбиячи бошлаб беради болалар эса давом эттирадилар.

Ўйин: «Шовқин солмай ўтирамиз»

Методик кўрсатма: Болалар гавдаларини тўғри тутиб тинч ўтиришади. Тарбиячи эса болаларнинг лабларини қандай бирлаштирганларини кўриб чиқади. Болалар лабларни олдинга чўзиш ҳам, куч билан бирлаштириш ҳам мумкин эмас.

Ўйиннинг бориши: Болалар тарбиячига қараб стулчаларида ўтиришади. Тарбиячи болаларга шундай дейди:—Қўғир-чоқ — Малика ухляпти (стол устига каравотда ухлаётган қўғирчоқни қўяди). Биз қўғирчоқ — Малика уйқудан тургунча шовқин қилмасдан тинчгина ўтирамиз. Лабларингизни бир-бирига жипслаштиринг, мен сизлар оғзингизни қандай юма олишингиз ва қанчалик тинч ўтира олишингизни бир синаб кўраман.

Тарбиячи: Баракалла, болалар лабларингизни бир-бирига

жипслаштириб, оғзингизни қандай юма олишингизни кўриб олдим.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимларини билиш учун саволлар

-Кўғирчоқ Лолахон қаерда ухлади?

-Биз кўғирчоққа қандай алла айтдик?

10- машғулот

Мавзу: Таълимий ўйин. "Ким нима қилапти"

Мақсад: Болаларни суратда тасвирланган нарсаларга фикр билдиришга, суратдаги ҳаракатларни ўзлари бажариб кўрсатишларига ундаш. Болаларнинг сурат бўйича айрим ҳаракатларни ифдаловчи феъллар билан тақлид қилаётган сўзларни тўғри талаффуз этишларига эришиш.

Вазифа: Болаларни нарсалар ва уларнинг ҳолатларини тасвирлаб беришга ўргатиш.

Кутилаётган натижа: Суратда тасвирланган нарсаларга фикр билдира оладилар, суратдаги ҳаракатларни ўзлари бажариб кўрсата оладилар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячининг столида мазмунли суратлар қўйилган. Масалан: бола доира чаляпти, айикча асал ялаяпти, қизча юзини сочик билан артяпти, бола гулга сув қуйяпти, қизча кўғирчоқ сочини тараяпти. Бошқа столда расмда тасвирланган буюмлар, ўйинчоқлар(доира, асал идиш, сочик, тароқ, коптокча,) турибди. Тарбиячи бир болани чақиради. Бола суратдан бирини олиб, сурат ҳақида гапирди. Ва болаларга суратни кўрсатади. Сўнгра столдаги буюмдан бирини олиб, (масалан сув қуйгични олиб) суратда тасвирланган ҳаракатни бажаради (масалан гулга сув қуйиш) ва бажараётган ишини сўз билан ифодалайди. Масалан: Мен гулга сув қуйдим.

Шу тариқа чақирилган болалар сурат ҳақида гапирдилар, сўнгра суратда тасвирланган ҳаракатни бажардилар.

Тетиклаштирувчи машқ:

Оёғимиз тақ– тақ – тақ, Қўлимиз чапак – чапак. Бошимиз сарак – сарак Қўлимизни кўтардик, Секингина туширдик. Энди эҳтиёт бўлиб Жойимизда айландик

Ўйин якунида тарбиячи ўйинчоқлар билан мустақил ўйнашга таклиф этилади. Ўйинчоқлар болалар сонига етарли бўлиш керак. Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимларини билиш учун саволлар

Ким нима қилди?

Қандай расм кўрдингиз?

Суратда тасвирланган ҳаракатни бажариб беринг.

11- машғулот

Мавзу: «Бўри билан эчки» ўзбек халқ эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш.

Мақсад: Болаларни таниш адабий асар («Бўри билан эчки» ўзбек халқ эртаги)ни тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш.

Вазифалар:

«А» товушининг тўғри талаффузини аниқлаш ва уни сўз ва сўз бирикмаларида тўғри талаффуз қилишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болалар «Бўри билан эчки» ўзбек халқ эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўрганадилар.

«А» товушини (сўзларда, сўз бирикмаларида) тўғри талаффуз қилишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

«А» товуши бор суратлар, ширма уйча, ўйинчоқлар, от-тойчоқ, сичқон-сичқонча, мушук-мушукча.

Кўргазмали жиҳозлар: бўри, эчки, ғоз ўйинчоқлари.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Ҳозир, болажонлар мен сизга «Бўри билан эчки» эртагини айтиб бераман. Диққат билан эшитинг.

Тарбиячи ўйинчоқлардан фойдаланиб (сахнаштириб) эртакни ҳикоя қилади.

Тарбиячи: «Эртак сизга ёқдими? Ҳозир биз уни ҳаммамиз биргаликда ҳикоя қиламиз. Мен бошлайман, сиз эса менга ёрдам бериб, давом эттирасиз (умумий ва якка-якка жавоблар)»-дейди.

Тарбиячи: Бир куни эчки подадан...

Болалар: ажралиб чиққан экан.

Тарбиячи: Сени ейман!

Болалар: дебди бўри.

Тарбиячи: Мени-я?

Болалар: ҳа, сени.

Тарбиячи: Раҳм қил.

Болалар: Мен жуда очман.

Тарбиячи: Раҳм қилмайман. Сени бутунлай...

Болалар: бир ямлаб ютиб юбораман ва ҳ.к.

Болалар (бола) жумлани тугатгандан кейин, тарбиячи ўша ўйинчоқни қўяди ва у билан ҳаракатлар бажаради, кейин яна бир марта эртакни болалар билан биргаликда ҳикоя қилади, лекин ўйинчоқлардан фойдаланмайди.

Ўйин машқи. Тарбиячи: Болалар, ҳозир «Бўри ва эчки» ўйинини ўйнаймиз. Сизлар эчкилар бўласиз. Мен эчкилар ўтлагани чиқадилар, десам тарқалиб, ўтни кидирасиз, топасиз, ейсиз. Мен «Бўри» десам, жойингизга ўтириб оласиз, дейди. (Ўйин 2-3 марта такрорланади).

Тарбиячи қўлига ғоз ўйинчоғини олади ва: қаранглар бу нима? Бу... (ғоз) Унинг исми (ға-ға). Ғознинг исми нима экан? (умумий ва якка-якка жавоблар). Ғоз сизнинг олдингизга келганидан хурсанд бўлиб, «ғаа-ғаа», «ғаа-ғаа» деб қўшиқ айтаяпти. Ғоз қандай қўшиқ айтди? (болалар жавоби) Ҳозир ғознинг қўшиғини биз ҳам айтиб кўрамиз.(2-3 марта такрорланади).

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

-Эртакнинг номи нима экан?

Эчкининг олдидан нима чиқиб қолди?

Бўри эчкига нима деди?

Эчки бўрига нима деди?

Бўрига эчкининг қандай гапи маъқул бўлибди?

Эчки нима қилди?

Бўри эчкини еб қўйдими?

Ғоз қандай қўшиқ айтар экан?

12- машғулот

Мавзу: Таълимий ўйин “Нима қандай қичқиради?”

Мақсад: Ҳайвонларнинг болалари номи, уларнинг қандай овоз чиқаришини айтиб беришга ўргатиш.

Вазифалар:

Болаларни тарбиячи билан биргаликда ўйинчоқ ҳақида кичик ҳикоя (2-3 та гап) тузишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Ҳайвонларнинг қандай овоз чиқаришини айтиб беришга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

Ўйинчоқлар айиқча, хўтик, тойча, эчки болалари, сичқон, мушук.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи болаларга айиқча, хўтик, тойча, эчки болалари, сичқон, мушук ўйинчоқларини кўрсатади ва уларни қандай овоз чиқаришини айтиб беришларини сўрайди.

Бу айиқ. Айиқнинг қулоғи кичкина, айиқ асални яхши кўради. Айиқча Э-э-э-э-э деб овоз чиқаради.

Тарбиячи: «Болалар, қаранглар: бизнинг олдимизга нима сакраб келди? (от) (и-и-и товушини чўзиб талаффуз қилади). От ўзининг тойчоғини «и-и-и» деб чиқаради. От тойчоғини қандай чақирар экан? (умумий ва якка-якка жавоблар). Отнинг боласи нима? (ўйинчоқнинг кўрсатади). Тойчоқ, яъни кичкина отча.

Қаранглар: она от катта, унинг боласи тойчоқ эса... (кичкина) у ингичка овозда кишнайд. Тойчоқ қандай кишнайд? (умумий ва якка-якка жавоблар). Сичқон пайдо бўлади. Ингичка овозда “чий-чий” овози эшитилади. Бу сакраб келган нима? (сичқон). Сичқон қандай чийиллайди? (умумий ва якка-якка жавоблар). Сичқон “чий-чий” деб ўз боласини чақиряпти. Унинг боласи нима? (сичқонча). Тарбиячи ўйинчоқларни кўрсатади: Она сичқон катта, сичқонча эса қандай? Тўғри, сичқонча кичкина. Сичқонча қандай чийиллайди? (ингичка чий-чий овозда) (умумий ва якка-якка овозлар). Ниманинг боласи «миёв-миёв» дейди? (Сўз бирикмаси юқори овозда талаффуз қилинади). Унинг онаси нима? (ўйинчоқни кўрсатади?) (мушукча). Она мушук катта. У қандай миёвлайди? (тарбиячи «миёв-миёв» сўз бирикмасини паст овозда талаффуз қилади).

Мушукча қандай миёвлайди? Тўғри ингичка овозда (умумий ва якка-якка жавоблар).

Тарбиячи болаларга айиқча, хўтик, тойча, эчки болалари, сичқон, мушук овозларини эшитиб аниқлашни таклиф этади. Болалар ҳайвонларнинг овозини эшитиб, фарқлаб айтиб берадилар. Масалан: “Мяу-мяу”. Бу ниманинг овози? (Мушук) ва ҳакозо.

Тетиклаштирувчи машқ

“Отлар” ўйини. Болалар отлар бўлиб, “отхонада” туришади(гуруҳ

хонасининг бир чеккасида стулчалар билан тўсилиб “отхона” курилади) Тарбиячи шундай дейди: “Тонг отди, ҳамма отлар сайрга чиқишди”. Болалар кетма-кет бўлиб, бир-бирларининг орқасидан оёқларини баланд кўтариб, худди отлардек қадам ташлаб, хона бўйлаб юрадилар. Тарбиячининг “Отлар уйга” сигналини эшитиб, болалар «i-i-i» деб бир-бирларининг орқаларидан “отхонага” тез югурадилар.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- От тойчоғини қандай чақирар экан?
- Сичқон қандай чийиллайди?
- Мушукча қандай миёвлайди?

13- машғулот

Мавзу: “Биз қушларни қандай овқатлантирамиз” жамоа тажрибасида ҳикоя тузиш.

Мақсад: Кузатиш хотирасини ривожлантириш. Тарбиячининг ҳикоясини диққат билан эшитиб, ҳикояга қўшилиш: сўз, жумларни қўшимча қилиш, тарбиячи бошланган жумлаларни тугатиш.

Вазифалар: “А” товушини аниқ талаффуз қилишни машқ қилиш.

Керакли жиҳозлар: Мавзу бўйича расмлар.

Машғулотнинг бориши

Ҳозир болалар қиш фасли. Ҳамма ёқни қор қоплаган. Биз кеча майдончага чиқиб қордан нималар қилдик? Белкурак билан қордан йўлакларни тозаладик. Қордан нималар ясадик? (қорбобо, қушча, коптокчалар). Дарахт тўнкасига ўрнатилган донхўракка қандай қушлар учиб келдилар? (чумчук, мусича) Биз донхўракка нима сепган эдик? (дон, нон, уволларини) Қушлар нима қилишди? (чўқилади). Қушлар дон чўқилаб бўлгач, бизга қандай раҳмат айтишади? (Чирқ – чирқ - чирқ) деб айтишади.

Тарбиячи савол-жавобдан сўнг болалар билан тетиклаштирувчи машқ ўтказади.

Тетиклаштирувчи машқ.

Тарбиячи сўзлари	Болалар ҳаракатлари
Баланд - баланд Учамиз - учамиз, Чарчаш нима Билмаймиз - билмаймиз.	Қўлларни «қанот» қилиб ҳаракатлантириш; қўлларни олдинга узатиб, «қайчи» ҳаракатини бажариш;

Ўтириб дам оламир, Яна учиб кетамиз.	бир тиззага чўккалаб ўтирибтуриш. Қўлларни «қанот» қилиб ҳаракатлантириш
---	---

Машғулоти якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Дарахт тўнкасига ўрнатилган донхўракка нималар учиб келди?
- Биз донхўракка нима сепган эдик?
- Қушлар нима қилишди?
- Қушлар қандай чирқиллайди? (Чирқ – чирқ - чирқ)

14- машғулоти

Мавзу: “Икки эчки” ўзбек халқ эртаги асосида қайта ҳикоя қилишни машқ қилиш

Мақсад: Асарни қайта ҳикоя қилиб беришга ўргатишни давом этиш.

Вазифалар: Боғланган нутқни ривожлантириш. Сўзларни аниқ ва бурро айтиш. “Х”товушини тўғри ва аниқ талаффуз этишга эришиш.

Кутилаётган натижалар: Болаларнинг боғланган нутқи ва товуш маданияти ривожланади. Болалар тарбиячи ёрдамида эртани ҳикоя қилиб бера оладилар.

Керакли жиҳозлар: Эрта асосида қаҳрамон персонажлари.

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи: “Бугун болалар, мен сизга иккита ўғар эчки ҳақидаги эртани ўқиб бераман. (Тарбиячи эртани ўқиб беради). Сўнгра болалар билан савол-жавоб ўтказди.

Эрта бўйича саволлар:

1. Қушлардан бир қуни қандай воқеа юз берибди?
 2. Эчкилар нима қилишибди?
 3. Эчки қандай қилиб дўқ қилибди? Оҳангини келтириб айтиб беринг.
 4. Иккинчи эчки қандай дўқ билан жавоб берибди? Оҳангини келтириб айтиб беринг.
 5. Эчкилар учрашуви нима билан тугабди?
- Энди ким эртани бошидан қайта ҳикоя қилиб беради?

(3-4 бола жавоблари).

Бармоқлар машқи.

Тарбиячи болалар билан бармоқлар машқини ўтказади. Бунинг учун болалар икки гуруҳга бўлиниб турадилар, тарбиячи шеърни ўқиб туради ва болалар ҳаракатни бажарадилар.



Шоҳдор эчки

Шоҳдор эчки келмоқда,

Болаларни кўрмоқчи.

Ким ичмаса сутини,

Ким емаса ошини,

Сузиб олади уни.

Қўлнинг кўрсаткич бармоғи ва жимжилоғидан бошқалари букилган. Бу - "эчки". "Сузиб олади уни" қатори айтилганда, болалар бир-бирларига қараб бармоқларини қимирлатадилар.

Эртакни саҳналаштириш. (бармоқ, соя, пахмоқ, қўғирчоқ театри бўлиши мумкин)

Тарбиячи машғулот якунида барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

Кунлардан бир куни қандай воқеа юз берибди?

2. Эчкилар нима қилишибди?

3. Эчки қандай қилиб дўқ қилибди?

4. Иккинчи эчки қандай дўқ билан жавоб берибди?

5. Эчкилар учрашуви нима билан тугабди?

6.Энди ким эртакни бошидан қайта ҳикоя қилиб беради?

15- машғулот

Мавзу: Таълимий ўйин. "Ким нима қияпти?"

Максад:Суратни томоша қилар экан, унда тасвирланган нарсаларга фикр билдиришга, суратдаги ҳаракатларни ўзлари бажариб кўрсатишларига ундаш. Болаларнинг сурат бўйича айрим ҳаракатларни ифадаловчи феъллар билан тақлид қилаётган сўзларни тўғри талаффуз этишларига эришиш.

Вазифа: Болаларни нарсалар ва уларнинг ҳолатларини тасвирлаб беришга ўргатиш

Кутилаётган натижа: Суратда тасвирланган нарсаларга фикр билдира оладилар, суратдаги ҳаракатларни ўзлари бажариб кўрсата оладилар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячининг столида мазмунли суратлар қўйилган.

Мушук сут ичяпти, қизча жўжага дон беряпти, бобо шолғом тортяпти, бола копток ўйнаяпти, мушук сут ичяпти, қуш учяпти. Бошқа столда расмда тасвирланган буюмлар, ўйинчоқлар(мушук, жўжа, дон, қуш, шолғом, сут идиш, коптокча,) турибди. Тарбиячи бир болани чақиради. Бола суратдан бирини олиб, сурат ҳақида гапиради. Ва болаларга суратни кўрсатади. Сўнгра столдаги буюмдан бирини олиб, (масалан жўжага дон бериш) суратда тасвирланган ҳаракатни бажаради. (масалан дон сепиш) Болалар суратлар ҳақида гапириб бўлгач, ўйинчоқлар билан мустақил ўйнашга таклиф этилади. Ўйинчоқлар болалар сонига етарли бўлиш керак.

Бармоқлар гимнастикаси

Ўнг қўлимда беш бармоқ, Чап қўлимда беш бармоқ. Иккаласи ўн бармоқ, Иккаласи дўст бармоқ.
--

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимларини билиш учун саволлар

Ким нима қилди?

Қандай расм кўрдингиз?

Суратда тасвирланган қандай ҳаракатни бажардингиз?

16- машғулот

Мавзу: “Мушук” шеърини ўқиб бериш.

Мақсад: Болаларда шеърни эшитиш ҳоҳишини ва кўникмасини тарбиялаш. Шеърдаги айрим сўзларни такрорлаш, уни эслаб қолиб, мустақил айтишга ўргатишга ундаш.

Вазифалар: Сўзларни аниқ ва бурро айтиш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларда шеърни эшитиш ҳоҳишини ва кўникмасини тарбияланади. Шеърдаги айрим сўзларни такрорлашлари, уни эслаб қолишлари, мустақил айтишлари мумкин.

Керакли жиҳозлар:

Шеърдаги мазмун асосида расм

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи: болаларга мушукча ўйинчоғини кўрсатади. Бу мушукча Оламош. Мушукча нима дейди? (Миёв-миёв). Тарбиячи болаларга мушукча ўйинчоғини ўйнашга беради. Болалар мушукчани қўлларига олиб силайдилар, ўйнайдилар. Сўнгга тарбиячи болалардан шеърни эшитишни таклиф қилади. Тарбиячи шеърни секин шошилмай ўқиб беради.

Мушукча

Мушугим дейди миёв

Сичқон менга ёв

Шунинг учун қўймайман,

Қанча есам тўймайман.

Тарбиячи: болалардан шеърдаги сўзларни мушукчам, миёв, сичқон, қўймайман сўзларини такрорлашни сўрайди. Шеър болаларнинг қизиқишига қараб бир неча бор такрорланади. Шеър ўқиб бўлингач болаларга мушукча ўйинчоғи ўйнаш учун берилади.

Тетиклаштирувчи машқ.

Тарбиячи сўзлари	Болалар ҳаракатлари
Кўкимтир мушугим бор Деразада ўтирар Думини ликиллатар Болаларин кутар Қани болакайлар Ухланг эркатоилар “Мяу”	-қўл ушлашиб доира бўйлаб айланадилар; - мушукча қандай ухлашини кўрсатадилар - «Мяу» сўзидан сўнг болалар «Мяу» деб уйғонадилар. -

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимларини билиш учун саволлар

Мушукча нима дейди?

“Мушукчам” шеърини ким айтади?

Қутичада нима бор экан?

17-машғулот

Мавзу: Қиш байрами

Мақсад:Суратда тасвирланган воқеаларни тушунишга ўргатиш.

Вазифалар:Болаларнинг сўзлашув нутқини ривожлантириш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Мавзу бўйича берилган саволларга жавоб бериш малакасини ривожлантириш.

Кутилаётган натижалар:Болаларнинг сўзлашув нутқи ривожланади. Болаларда қиш байрами ҳақида тушунча мустаҳкамланади.

Керакли жихозлар. “Қиш байрами” сурати

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Бизнинг боғчамизда бўлиб ўтган арча байрами жуда қизиқарли бўлди. Янги йил байрамига Қорбобо, Қорқиз иштирок этишиб, байрамимизни жуда қизиқарли қилиб ўтказиб беришди.

Қани бир эсланг-чи?

Арча қандай безатилган эди?

Қиш байрамида нималар бўлди?

Қандай совғалар олдингиз?

Қорбобога совғалар учун раҳмат айтдикми?

Қандай ашула ва шеърлар айтдингиз?

Савол-жавобдан сўнг тарбиячи болаларга сурат кўрсатади. Қаранг қандай чиройли арча. Эъзога, арчани кўрсатгин. Арчада ҳар хил ўйинчоқлар осилган. Мана бу қуёнча. Шаҳзода, қуёнчани кўрсат. Мана бу айикча. Зухриддин, сен айикни кўрсат. Арча атрофида ўйнаётган болаларга қаранг. Қорбобо болаларга совғалар беряпти. Мана бу болага қорбобо машина совға қилди. Машина қандай бибиллайди? “Биб-биб” Суратга қаранг, Бобур машинани Зухриддинга кўрсатяпти. Улар машинани бирга ўйнайдилар.

Тарбиячи болаларга шеър айтиб беради.

Қорбобожон келинг тез,

Қўшиқ айтар ўғил-қиз.

Совғалар беринг бизга,

Раҳмат айтамыз сизга.

“Қорбобо совғалари”ўйини

Тарбиячи болаларга сандиқни кўрсатиб, шундай дейди: “Бу ажойиб сандиқча”нинг ичида кўп ўйинчоқлар бор. Бу қорбобонинг совғалари. Бу ўйинчоқлардан бирини олиб номини айтасиз.

Машғулот якунида болаларни ширин сўзлар билан

рағбатлантириш.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустахкамлаш учун саволлар:

- 1.Болажонлар, бугун биз нималар ҳақида суҳбатлашдик?
- 2.Қиш байрамига кимлар келади?
- 3.Байрамда сизларга ким совға берди?
- 4.Сиз қорбобо ва қоркизга шеър айтиб бердингизми?
- 5.Сандиқчада қандай ўйинчоқлар бор экан?

18-машғулот

Мавзу: “Чапак-чапак” овутомчоғини ўқиб бериш.

Мақсад:Болаларда овутомчоқни эшитиш хоҳишини ва кўникмасини тарбиялаш. Овутомчоқ мазмунига монан ҳаракат қилишга ўргатиш. Овутомчоқдаги айрим сўзларни такрорлаш, уни эслаб қолиб, мустақил айтишга ўргатишга ундаш. Эшитув диққатини ривожлантириш.

Вазифалар:Боғланган нутқни ривожлантириш. Сўзларни аниқ ва бурро айтиш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. Болаларнинг ҳаракатларни тўғри бажаришларига эътибор бериш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларда овутомчоқни эшитиш хоҳишини ва кўникмасини тарбияланади. Овутомчоқдаги айрим сўзларни такрорлашлари, уни эслаб қолишлари, мустақил айтишлари мумкин.

Керакли жиҳозлар:Шеърдаги мазмун асосида расм.

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи болаларга овутомчоқ мазмунига монан ҳаракатлар бажариш билан овутомчоқ айтиб беради.

Чапак- чапак,

Чапак- чапак.

Пиширдим чалпак,

Деразага қўямиз,

Совушини кутамиз.

Тарбиячи болалар билан овутомчоқни 3-4 марта биргаликда ҳаракатларни бажартириб такрорлайди. Болалар тарбиячининг ҳаракатларини бажарадилар.

“Нима қилиш керак, топ?”ўйини.

Болалар ярим доира шаклида ўтирадилар. Ҳар бир боланинг қўлида

иккитадан байроқча бўлади. Агар тарбиячи бубинни қаттиқ урса, болалар байроқчани юқорига кўтариб силкитадилар, агар бубенни секин урса, қўлларини тиззага қўядилар.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

Ким овутмачоқни ўрганиб олди?

Ким овутмачоқни айтиб беради?

Бубинни қаттиқ урганимда, байроқчани юқорига кўтардингизми?

Бубинни секин урганимда, қўлларингизни қаерга қўйдингиз?

19-машғулот

Мавзу: Болаларни «Қурк товук» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилиш.

Мақсад: Болаларга эртакни тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш. Китобдаги расмларга қараб бадиий асарнинг мазмунини гапириб беришга ўргатиш.

Вазифалар: Расмга қараб, сўз бирикмалари, 2-3та сўздан иборат гап туза олишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларни «Қурк товук» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўрганадилар. Китобдаги расмларга қараб бадиий асарнинг мазмунини гапириб бера оладилар.

Керакли жиҳозлар:

«Қурк товук» стол театри, ўйинчоқлар: мушук, мушукча, кучук-кучукча, китоб-китобча, машина....

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: болалар, қандай товукларни кўргансиз? Товуклар қандай рангда бўладилар? (оқ, қора...) Тарбиячи болаларга оқ, қора товукларни расмини кўрсатади. Бугун мен сизга бир товук ҳақида эртак айтиб бераман. Эртагимнинг номи «Қурк товук». Диққат билан эшитинг. Тарбиячи эртакни стол театри орқали саҳналаштириб болалар билан биргаликда икки марта ҳикоя қилади. Кейин тарбиячи стол театри персонажларини тарқатади ва эртакни яна бир марта ҳикоя қилишни таклиф этади. Уни ўзи бошлайди. Давомини болалар мустақил ҳикоя қиладилар.

Бир бор экан, бир йўқ экан.....(Чол билан кампир бор экан)

Уларнинг чипор(товуғи бор экан)

Кунлардан бир кун товук... (тилла тухум қилибди)
Чол уриб-уриб... (синдира олмабди)
Кампир ҳам.... (уриб-уриб синдира олмабди)
Сичқонча қочаман деб, думи билан ...(уриб юборган экан, тухум ерга тушуб синибди)
Бундан хафа бўлиб чол йиғлабди....(кампир йиғлабди)
Товук эса қақалабди: йиғламанг, бобожон....(йиғламанг, бувижон.
Мен сизга бошқача, тилла тухум эмас, оддий тухум қилиб бераман)
Тарбиячи ўйинчоқ товукни кўрсатади. Эртақ қандай тугади?-деган саволни беради.

Тарбиячи “Йиғламанг, бобожон, йиғламанг, бувижон. Мен сизга бошқача, тилла тухум эмас, оддий тухум қилиб бераман” деган матнни 4-5 та болага такрорлатиб, машғулоти якунлайди.

Тетиклаштирувчи машқ. “Товук ва жўжалар” ўйини.

Ўйинда қатнашаётган болалар жўжаларни, тарбиячи эса товукни ифода этади. Курк товук ва жўжалар уйда бўлишади.

Бир чеккада мушук яшайди. Курк товук арқончанинг тагидан энгашиб ўтади ва болаларга дон қидириб кетади. Кейин «қо-қо-қо-қо» деб жўжаларини чақиради. Унинг овозини эшитиб, жўжалар ҳам арқонча тагидан ўрмалаб ўтишади ва югуриб товукнинг олдига боришади. Ҳаммалари бирга ўйнайдилар, энгашадилар, чўнқайиб ўтирадилар, дон-дун қидирадилар. Тарбиячининг: «Мушук», деган сўзини эшитгач, ҳамма жўжалар тез қочиб кетади ва уйларига яширинади. Ўйин 3—4 марта такрорланади.

Машғулоти якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Эртақнинг номи нима экан?
- Товук қандай тухум қилди?
- Чол уриб-уриб тухумни синдира олдимми?
- Кампир уриб-уриб тухумни синдира олдимми?
- Тухум қандай қилиб синиб қолди?
- Чол ва кампир нега хафа бўлишди?
- Товук чол ва кампирга нима деди?

20-машғулоти

Мавзу:“Болалар овқатланиптилар” номли сурат устида тарбиячи билан биргаликда ҳикоя қилишга ўргатиш.

Мақсад: Болаларга сурат устида тарбиячи билан биргаликда

ҳикоя қилишга ўргатиш.

Вазифалар: Расмга қараб, сўз бирикмалари, 2-3та сўздан иборат гап туза олишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар: Болалар сурат устида тарбиячи билан биргаликда ҳикоя қилишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар: “Болалар овқатланияптилар” сурати

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга суратни кўрсатади. Суратда болалар стол атрофида хотиржом овқатланиб ўтиришган болалар тасвирланган.

Тарбиячи: Болалар қаранглар, мана бу бола ликобчадан бўтқа еяпти. Ўзоза. ликобчани кўрсат. Бу нима? Бу катта қошиқ. Мана бу қизча бўтқани еб бўлди. У пиёладан чой ичяпти. Пиёла қани? Мана бу бола чой ичиб ўтирибди. Мана бу бола сочиқ билан оғзини артяпти. Болалар тоза ва озода овқатланияптилар. Болаларнинг куйлаклари тоза. Сўнгра тарбиячи болалардан алоҳида чакириб сўрайди.

Қизча нима қияпти?

Ўғил бола нима қияпти?

Уларнинг қўлларида нима бор?

Болалар нима ейишяпти?

Тарбиячи болалар билан савол-жавоб қилгач сурат бўйича тасвирий ҳикоя қилиб беради.

Тетиклаштирувчи машқ

Жимжилоқ

Йиғлайди жимжилоқча

Тушунмайди акаси.

Ўрта бармоқ қарамас,

Ҳатто не деб сўрамас.

Кўрсаткич ундан сўрар,

- Қорнинг очгандир балки?

Каттаси келтириб ош,

Дейди: Еб ошинг, сўнг бўл ювош.



Мушт тугиб, бармоқлар жимжилоқдан бошлаб навбат билан бирма-бир очилади. Охирги жумла айтилганда, бош бармоқ учлари жимжилоққа тегизиб олинади.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Қандай суратни кўрдик?
- Болалар нима қияптилар?
- Болаларнинг қўлларида нима бор?
- Сочик қани?
- Ликопча қани?
- Қошиқни кўрсат.

21-машғулот

Мавзу: Мавзу: Асарни қайта ҳикоя қилиш «Мақтанчоқ куён» ўзбек халқ эртаги

Мақсад: Болаларнинг бадиий асарларни қайта ҳикоя қилиш малакасини ўстириш. Адабий асарлари мазмунли, мантиқий изчилликда сўзлаб беришга ўргатиш.

Вазифалар:

- Китобдаги расмларга қараб эртакнинг мазмунини гапириб беришга ўргатиш
- Асар қаҳрамонларининг суҳбатини ифодали сўзлаб беришга ўргатиш.

Машғулот учун жиҳоз: Эртак учун ишланган расмлар.

Машғулотнинг бориши:

Бугун мен сизга мақтанчоқ куён ҳақида эртак ўқиб бераман. Диққат билан эшитинг. Тарбиячи эртакни ифодали қилиб ўқиб беради.


Эртак асосида саволлар:

1. Эртак нима ҳақида экан?
 2. Эртакдаги куён сизга ёқдими?
 3. У қандай экан? (Кўрқоқ, ёлғончи)
 4. Куён шерикларига нима деб мақтанибди ва куён билан қандай воқеа рўй берибди?
 5. Куённинг қайси сўзлари уни мақтанчоқ эканлигини билдиради?
- Савол-жавобдан сўнг тарбиячи эртакни яна бир бор ўқиб беради.

Тетиклаштирувчи машқ

Куёнча

Дикир-дикир сакрайди
Узун қулоқ куёнча.



Маҳкам ушлаб қўлида
Сабзисини қуёнча.

Бармоқлар тугилади. Кўрсаткич ҳамда ўрта бармоқ кўтарилиб у ён-бу ён қимириатилади.

Сўнгра 3-4 бола китобдаги расмларга қараб эртакнинг мазмунини гапириб беради.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

Қандай эртак эшитдингиз?

Қуён нима деб мақтанибди?

Қуён қандай экан?

22-машғулот

Мавзу: “Соман тойчоқ” шеърини ўқиб бериш.

Мақсад: Болаларда шеърни эшитиш ҳоҳишини ва кўникмасини тарбиялаш. Шеърдаги айрим сўзларни такрорлаш, уни эслаб қолиб, мустақил айтишга ўргатишга ундаш.

Вазифалар: Боғланган нутқни ривожлантириш. Сўзларни аниқ ва бурро айтиш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш. “I” товушини аниқ талаффуз этишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар: Болаларда шеърни эшитиш ҳоҳишини ва кўникмасини тарбияланади. Шеърдаги айрим сўзларни такрорлашлари, уни эслаб қолишлари, мустақил айтиш хоҳишлари уйғонади.

Керакли жихозлар: Шеър мазмуни асосида расм

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи: болаларга тойчоқ ўйинчоғини кўрсатади. Бу саман тойчоқ. Тойчоқ қандай кишнайди? (Иии). Тарбиячи болаларга тойчоқ ўйинчоғини ўйнашга беради. Болалар тойчоқни қўлларига олиб силайдилар, ўйнайдилар. Сўнгра тарбиячи болалардан шеърни эшитишни таклиф қилади. Тарбиячи шеърни секин шошилмай ўқиб беради.

Соман тойчоқ

Сомон тойчоқ

Ўйна ҳар чоқ
Пешонаси қордай оппоқ
Сомон тойчоқ

Тарбиячи: болалардан шеърдаги сўзларни сомон тойчоқ, пешонаси оппоқ сўзларини такрорлашни сўрайди. Шеър болаларнинг қизиқишига қараб бир неча бор такрорланади. Шеър ўқиб бўлингач болаларга тойчоқ ўйинчоғи ўйнаш учун берилади.

Ўйин “Тойчоқ йўқолди”

Мақсад: “Г” товушини аниқ талаффуз этишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши.

Болалар стулчаларда ўтиришади. Тарбиячи болаларга тойчоқ тасвирланган расмни кўрсатади. Сўнгра шундай дейди: “Кичкина тойчоқ сайр қилгани далага чикди ва адашиб қолди. У хайрон бўлиб, онасини чақира бошлади: “iii-iii-iii”. -Ҳаммамиз бирга тойчоқ онасини қандай чақирганини бажарамиз, -дейди тарбиячи.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимларини билиш учун саволлар

Тойчоқ қандай кишнайтиди?

Тойчоқ онасини қандай чақиради?

“Тойчоқ” шеърини ким айтади?

23-машғулот

Мавзу: Таълимий ўйин “Топширик”

Мақсад: Болаларни топширикни охиригача эшитиш ва уни бажаришни ўргатиш.

Вазифалар:

Боғланган нутқни ривожлантириш. Сўзларни аниқ ва бурро айтиш.

Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларни топширикни эшитиб бажаришга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар: Турли ўйинчоқлар.

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи: болаларга оддий топшириклар беради. Бажарилган топширикни сўз билан ифодалашга ундайди.

Масалан:

-Қўғирчоққа юришга ёрдам бер. Сен нима қилдинг?

-Қўғирчоқни беланчакга ётқиз ва ухлат. Сен нима қилдинг?

-Қўғирчоқга алла айт. “а-а-а-а” Сен нима қилдинг?

-Чойнакдан пиёлага чой қуй. Сен нима қилдинг?

-Қўғирчоққа печенье бер. Сен нима қилдинг?

Айиқчани олиб машинага ўтказ. Сен нима қилдинг?

Ўйин шу тариқа давом этади. Тарбиячи болаларни топшириқни охиригача эшитиб, уни бажаришини кузатиши, керак бўлганда ёрдамини бериш керак.

24-машғулот

Мавзу: “Болалар балиқни овқатлантиряптилар” сурати устида суҳбат.

Мақсад: Болаларга балиқни кузатишни ўргатиш кузатиш давомида балиқнинг алоҳида белгиларини, ҳаракатларни қайд этиш (думи билан ҳаракат қилади, озиқни ютади, сузади).

Вазифалар:

- кузатиш вақтида тартибни сақлаш (шовқин қилмаслик, аквариум деворларига тақиллатмаслик).
- Болалар нутқини қуйидаги сўзлар билан фаоллаштириш: ойнаси, аквариум, сузаяпти, озиқни оғзи билан ютаяпти, балиқнинг думи уларга сузишга ёрдам беради.

Кутилаётган натижалар: Тарбиячининг саволлари ёрдамида сурат устида ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар: “Болалар балиқни овқатлантиряптилар” сурати

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи болаларга балиқни кузатишни таклиф этади. Тарбиячи болаларга кузатиш вақтида аквариумга яқин бормаслик, деворларига қўл теккизмаслик ёки деворларини тақиллатмасликни таъкидлайди. Болаларга бундай ҳаракатлар балиқларни чўчитиб юбориш мумкинлигини тушунтиради.

Тарбиячи болаларга балиқни кузатиб, уларнинг нима қилаётганлари ҳақида секин, паст овозда гапириб беришларини сўрайди. Тарбиячи болаларнинг жавобларини тўлдиради ва умумлаштиради. Болалар нутқини қуйидаги сўзлар билан фаоллаштириш: ойнаси, аквариум, сузаяпти, озиқни оғзи билан ютаяпти, балиқнинг думи уларга сузишга ёрдам беради.

Тарбиячи балиқларга озиқа беради. Болалар балиқларнинг қандай озиқланишини кузатадилар. Сўнгра болалар аквариумга орқа ўгириб оладилар. Тарбиячи уларга “Болалар балиқларни

овқатлантиряптилар” номли суратини кўрсатадилар ва сурат асосида сўзлаб беради. Сўнгра сурат асосида савол жавоб ўтказди. Болалар нима қилаяпти? (балиқни овқатлантиряптилар)

Балиқлар қаерда яшайдилар?

Улар қанча (кўп)

Балиқ қандай овқатланяпти?

Тарбиячи болаларни жавобларини умумлаштириб суҳбатни якунлайди. Болаларга балиқни овқатлантиришни унутмаслик кераклиги ўқтирган ҳолда суҳбатни якунлайди.

Тетиклаштирувчи машқ. “Балиқлар сузяптилар”

Болалар доира бўлиб турадилар. Тарбиячи: Келинглари болалар, ҳаммамиз биргаликда “Балиқлар сувда сузяптилар” ҳаракатини қўлимиз билан кўрсатиб берамиз. “Балиқлар сувнинг устида сузяптилар”, “Балиқлар сувнинг тагида сузяптилар”. Болалар тарбиячининг қўл ҳаракатини тақлид қиладилар.

Машғулоти якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Аквариумдаги балиқлар ҳақида ким гапирди?

- Сурат қандай номланган?

- Болалар нима қилаяптилар?

- Балиқ қандай овқатланяпти?

25-машғулоти

Мавзу: Ўйинчоқ "Автобус" билан таништириш

Мақсад: Болаларга ўйинчоқ автобус ҳақида тушунча бериш ва уларнинг нуткига "автобус" сўзини киритиш, товушларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш.

Қўйилган натижа: Болаларда автобус ҳақида тушунча ҳосил қилинади.

Керакли жиҳоз: Автобус сурати. Ўйинчоқ автобус.

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи: болажонлар, мана бу суратда нимани кўряпсизлар? Болаларнинг жавоби.

Тарбиячи: Тўғри, бу автобус. Автобус ичида кимлар бор? Болаларнинг жавоби.

Тарбиячи: Тўғри, автобус ичида одамлар бор, уларни биз йўловчилар деймиз. Автобусни ким бошқариб кетаяпти? (Болаларнинг жавоби)

Тарбиячи: Автобусни ҳайдовчи бошқараяпти. Ҳайдовчилар одамларнинг узоғини яқин қилиб манзилларига олиб бориб кўяди.

Ҳамма йўловчилар ҳайдовчиларга раҳмат айтади. Автобуснинг ранги қандай? Болаларнинг жавоби.

Тарбиячи: тўғри, автобуснинг ранги кўк. Автобуснинг катта-катта ғилдираклари бор. (Болаларнинг жавоби)

Тарбиячи: Одамлар қаерда ўтириб кетишяпти? Тўғри, одамлар ўриндикда ўтириб кетяптилар.

Тарбиячи болаларга ўйинчоқ автобусни кўрсатади ва сўрайди: "Болажонлар, бу нима?" (Болаларнинг жавоби)

Кейин тарбиячи ҳар хил ўйинчоқ машиналарни стол устига териб қўяди ва улар ичидан автобусни топиб беришни сўрайди.

Тарбиячи болаларга ўйинчоқ автобусни яхшилаб кўриб чиқишни таклиф қилади.

Болалар автобусни кўриб бўлганларидан сўнг яна уларга саволлар беради.

Автобуснинг эшиклари қани?

Автобуснинг ғилдиракларини кўрсатинг.

Автобуснинг ҳайдовчиси ўтирадиган жойни кўрсатинг.

Автобуснинг ойналарини кўрсатинг.

Автобус қандай рангда?

Тарбиячи: Болажонлар, автобусга чиққанмисиз? (Болаларнинг жавоби)

Кейин тарбиячи болаларга "Автобусда сайрга чиқамиз" ўйинини ўйнашни таклиф қилади (тарбиячи болаларга автобус ва бошқа машиналар билан ўйинлар ўйнашни таклиф қилиши ҳам мумкин).

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

Ўйинчоқ машиналар ичидан автобусни топиб кўрсатинг.

Ўйинчоқ автобус қандай рангда?

Автобуснинг ғилдиракларини кўрсатинг.

Автобуснинг ойналарини кўрсатинг.

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

26-машғулот

Мавзу: Болаларни «Бўғирсоқ» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш.

Мақсад: Болаларга эртакни тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўргатиш.

Вазифалар: “ча” қўшимчаси ёрдамида ясалган сўзларнинг маъносини тушунтириш. Предметларнинг номини тўғри айтишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болаларни «Бўғирсоқ» эртагини тарбиячи билан биргаликда қайта ҳикоя қилишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар: «Бўғирсоқ» стол театри, ўйинчоқлар: мушук, мушукча, кучук-кучукча, китоб-китобча, машина....

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи эртакни стол театри орқали саҳналаштириб болалар билан биргаликда 2 марта ҳикоя қилади. Кейин тарбиячи стол театри персонажларини тарқатади ва эртакни яна бир марта ҳикоя қилишни таклиф этади. Уни ўзи бошлайди. Давомини болалар мустақил ҳикоя қиладилар, (биринчи бола «Бўғирсоқ куёнчани учратибди» сўзигача, иккинчиси «Бўғирсоқ мен сени ейман»- дебди куён деб айтади ва ҳ.к.).

Тарбиячи: болалар. куён, айиқ, бўрилар бўғирсоқни кўрганда нима дедилар? “Бўғирсоқ, бўғирсоқ! Мен сени ейман”

Айёр тулки-чи у бўғирсоқни кўрганда нима деди? “Салом бўғирсоқ! Қандай юмалоқ, чиройли, қип-қизилсан-а!” Тулки бўғирсоқни мактаб алдади. Бўғирсоқ уни алдаётганини пайқамади. Бўғирсоқнинг саёҳати ачинарли тугади. Қандай тугади? (Тулки уни “хап” этиб еб қўйибди.)

“Сўзлар ўйини”

Тарбиячи: Болалар ҳозир “Сўзлар” ўйинини ўйнаймиз. Мен бир сўз айтаман, сиз кичрайтириб айтасиз. (уй-уйча, мушук-мушукча, кучук-кучукча, китоб-китобча....

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

-Эртакнинг номи нима экан?

- «Бўғирсоқ кимларни учратибди?

-Куён, айиқ, бўрилар бўғирсоқни кўрганда нима дедилар?

- Айёр тулки-чи у бўғирсоқни кўрганда нима деди?
- Бўғирсоқнинг саёҳати қандай тугади?
- “Сўзлар” ўйинини такрорлаймиз: уй-уйча, мушук-мушукча, кучук-кучукча, китоб-китобча.

27-машғулот

Мавзу: “I” товушини тўғри талаффуз этиш

Мақсад: Болаларни тарбиячи билан биргаликда ўйинчоқ ҳақида кичик ҳикоя (2-3 та гап) тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

- Ҳайвонларнинг болалари номини тўғри айтишга ўргатиш.
- “ча” қўшимчаси ёрдамида ясалган сўзларнинг маъносини тушунтириш.
- Ҳайвонларнинг болалари номини тўғри айтишга ўргатиш.
- Қарама-қарши маъноли сўзларни фарқлашга ўргатиш.
- «I» товушини (сўзларда, сўз бирикмаларида) тўғри талаффуз қилишни аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Кутилаётган натижалар:

«I» товушини (сўзларда, сўз бирикмаларида) тўғри талаффуз қилишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар: «I» товуши бор суратлар, ширма уйча, ўйинчоқлар, от-тойчоқ, сичқон-сичқонча, мушук-мушукча.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи болаларга кубик кўрсатади. Кубикнинг ён томонларида ғоз, паровоз, товуқ, жўжа, расмлари бор. Тарбиячи: “Кубик айлан, айлан, ён томонларингни менга кўрсат” деб кубикни думалатади. Тарбиячи кубикнинг ён томонидаги расмни кўрсатади. Масалан: паровоз. Паравоз қандай овоз чиқаради? (ушш) Тарбиячи болаларга товуқ, ғоз, жўжаларнинг расмларини кўрсатади ва уларнинг товушларини тақлид қилиб ифодалаб беришларини сўрайди.

Тарбиячи: «Болалар, қаранглар: бизнинг олдимизга нима сакраб келди? (от) («i» товушини чўзиб талаффуз қилади). От ўзининг тойчоғини «iii» деб чиқаради. От тойчоғини қандай чақирар экан? (умумий ва якка-якка жавоблар). Отнинг боласи нима? (ўйинчоқнинг кўрсатади). Тойчоқ, яъни кичкина отча.

Қаранглар: она от катта, унинг боласи тойчоқ эса... (кичкина) у ингичка овозда кишнайди. Тойчоқ қандай кишнайди? (умумий ва якка-якка жавоблар). Сичқон пайдо бўлади. Ингичка овозда «чий-чий» овози эшитилади. Бу сакраб келган нима? (сичқон). Сичқон қандай чийиллайди? (умумий ва якка-якка жавоблар). Сичқон “чий-

чий” деб ўз боласини чақиряпти. Унинг боласи нима? (сичқонча). Тарбиячи ўйинчоқларни кўрсатади: Она сичқон катта, сичқонча эса қандай? Тўғри, сичқонча кичкина. Сичқонча қандай чийиллайди? (ингичка «чий-чий» овозда) (умумий ва якка-якка овозлар). Ниманинг боласи «миёв-миёв» дейди? (Сўз бирикмаси юқори овозда талаффуз қилинади). Унинг онаси нима? (ўйинчоқни кўрсатади?) (мушук). Она мушук катта. У қандай миёвлайди? (тарбиячи «миёв-миёв» сўз бирикмасини паст овозда талаффуз қилади).

Мушукча қандай миёвлайди? Тўғри, ингичка овозда «миёв-миёв» (умумий ва якка-якка жавоблар).

Тетиклаштирувчи машқ

«Автомобил» ўйини ўтказилади. Болалар ҳайдовчилар бўлиб хона бўйлаб тарқалиб юрадилар, ҳаёлан рулни бурадилар ва «биииб-биииб» деб сигнал берадилар. Бунда «i» товушини овоз билан ажратиб талаффуз этадилар. Кейин стулчаларга ўтирилар ва машғулот давом этади.

Тарбиячи бошқа ўйинни ўйнашни таклиф қилади. Стол устида ширма-уйча бўлиб, унга ҳамма ҳайвонлар яшириниб олишган.

Мен уларни сизларга кўрсатаман, сизлар эса номларини айтасизлар (ҳамма ўйинчоқларни кўрсатади). Ҳамма ҳайвонлар уйчага яшириниб олганлар. Ҳозир улар қичқиради, сизлар масалан, нима қичқираётганини топасизлар. Онасими? Боласими? Тарбиячи ингичка овоз билан «чий-чий» деб чийиллайди ва «Бу нима?» деб сўрайди (сичқонча). Тўғри, бу сичқонча. Энди нима кишнаяпти? (iii-iii), тўғри бу тойчоқ, отнинг боласи.

Ўйиннинг охирида тарбиячи болаларга ҳамма ҳайвон болаларини кўрсатади ва «Мана бизга кўп ҳайвон болалари келишди. Бу сичқоннинг боласи. Унинг номи нима? (Сичқонча). Бу отнинг боласи. Номи нима? (Тойчоқ). Бу эса мушукнинг боласи... мушукча. Унинг ... (кўзлари кўк). Мушукча сутни яхши кўради. У «миёв-миёв» деб миёвлайди. Ким мушукча ҳақида ҳикоя қилиб беришни хоҳлайди. (Тойча ҳақида, сичқонча ҳақида). Болаларнинг истаклари бўйича жавоблари.

Тарбиячи болаларга “I” товуши кўп учрайдиган сўзли шеърни ўқиб бериш билан машғулотни якунлаш мумкин.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Бугун қайси ҳайвонларнинг овозларини машқ қилдик?
- От тойчоғини қандай чақирар экан?
- Сичқон қандай чийиллайди?
- Мушукча қандай миёвлайди?
- Автомобиль бурилганда қандай сигнал берар экан?

28- машғулот

Мавзу: "Офтоб чиқди оламга" шеърини ўқиб бериш

Максад: Болаларни шеър билан таништириш. Болаларни шеърдаги жумлаларни диққат билан эшитишга ўргатиш.

Вазифа. Болаларни шеърдаги нотаниш сўзлар: оламга, хонага каби сўзлар билан таништириш.

Кутиладиган натижа: Болаларни шеърни тинглаб бирга кайта айтиб беришга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар: ойна, қуёш расми.

Машғулотдан олдин қилинадиган ишлар: Тарбиячи болалар диққатини нонушта вақтида бир неча бор қуёшнинг хонага нурини сочаётган дақиқаларига эътиборини қаратади.

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи болалар диққатини қуёшнинг хонага нур таратаётганига қаратади ёки қуёшнинг расмини кўрсатади. Болалар, бу нима? (Қуёш) Ҳозир мен сизга қуёш ҳақида шеър ўқиб бераман. Тарбиячи шеърни ифодали қилиб ўқиб беради.

Офтоб чиқди оламга,
Деразадан кирди хонамга.
Силаб иситди юзимни
Қиздириб очди кўзимни.
Ўрнимдан турғазди ўзимни.

Шеър сизга ёқдими?

Офтоб чиққанда нима қилар экан?(иситар экан, ўрнимиздан турғазар экан)

Қуёш ҳақида ким шеър айтиб беради?

Ўйин "Қуёш қуёнчалари"

Мақсад: Болаларда табиат ҳодисаларга нисбатан қувноқ кайфият уйғотиш.

Ўйиннинг бориши: Тарбиячи болаларни стулчаларга ўтказади. Болалар эътиборини хона деразасидан нур сочаётган қуёшга қаратади ва болаларга "Келинлар болалар қуёшни чақирамиз" деб

айтади. Болалар тарбиячи билан биргаликда “Қуёшжон, қуёшжон деразадан қарайқол” дейишади.

Тарбиячи олдиндан тайёрлаб қўйган ойнани олиб қуёш нурини тутишга ҳаракат қилади. Тарбиячи қуёш нурини деворга боланинг бўйига мос баландликда йўналтиради. Болалар девордаги қуёш қуёнчаларини кўргач, тарбиячи болаларга уни тутишни таклиф этади. Болалар қуёш қуёнчаларини тутишга ҳаракат қилишганда тарбиячи қуёш қуёнчаларини тепага-пастга йўналтиради. Тарбиячи болаларнинг қуёш қуёнчаларини тутишларига имкон яратиши керак. Ўйин болаларнинг хоҳишларига кўра 2-3 марта такрорланиши мумкин.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Бугун қайси шеърни ўргандик?

- Бу нима? (қуёш расми)

- Бу нима? (қуёш қуёнчалари)

29- машғулот

Мавзу: Қушчани кузатиш. “Ёмғир ва қушлар” ҳаракатли ўйин.

Мақсад: Қушчани кузатиш орқали болаларда қувонч ҳосил қилиш. Болаларда қушчани авайлаш, унга ғамхўрлик қилиш ҳиссини уйғотиш.

Вазифалар:

- Болаларнинг кузатиш вақтида олган таасуротларини сўз билан ифодадай олишларига эришиш (учяпти, сакраяпти, чўқияпти).
- Болаларни саволлар беришга ва саволларга жавоб беришга ўргатиб бориш.

Кутилаётган натижалар: Тарбиячининг саволлари бўйича ҳикоя тузишга ўрганадилар.

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи: қаранглар болалар бизнинг гуруҳимизда қандай чиройли қушлар яшайди—а? Қани эслаб кўринг-чи қушларимиз қандай ҳаракатлар қилишни билишади? (Болалар жавоблари)

Тарбиячи: тўғри болалар, бизнинг қушларимизни кузатиш жуда

қизиқарли. Улар гоҳ шохчада ўтирадилар, гоҳ сайрайдилар, гоҳ дон чўкилайдилар, гоҳ сув ичадилар, гоҳ қанотларини тозалайдилар. Ҳозир болалар биргаликда қушчаларимизни кузатамиз. Улар чўчиб кетмасликлари учун шовқин қилмасликни ҳаракат қиламиз. Болалар қушчани кузатиш вақтида уларнинг ҳаракатларини сўз билан ифодалаб берадилар. Болалар қушнинг тумшуғи, думи, қанотларини кўриб чиқадиладар. Сўнгра тарбиячи қафасдаги қушчани жойига олиб қўяди ва болаларга қиш манзараси суратини кўрсатади ва сурат асосида ҳикоя қилади. “Болалар ҳозир мен сизга қишлаб қолувчи қушлар ҳақида сўзлаб бераман. Суратга қаранг дарахтга донхўрак ўрнатилган. Дарахтга донхўрак нима учун ўрнатилади? Тўғри, болалар донхўракка дон, нон увоқларини сочишади.

Тарбиячи сурат бўйича гапираётганда шакллардан (болалар, қушлар) фойдаланади. Болалар донхўракдан узоқлашиб кетишганда, қушлар дарахтдан учиб донхўракка қўнадилар. Болалар сочиб кетган дон, нон увоқларини чўқийдилар. Қушларни дон чўқиётганларини болалар узоқдан туриб кузатадилар. Болалар қушларни дон чўқиётганларини кўриб суюниб кетдилар.

Ҳозир болалар “Қушлар ва ёмғир” ҳаракатли ўйинини ўйнаймиз. Сизлар қушлар бўласизлар. “Қушлар учадилар, дон чўқишади ва яна учишади, сайрашади” десам, сиз сўзларимга қараб ҳаракат қиласиз. (болалар тарбиячи сўзларини ҳаракатда ифодалайдилар). “Ёмғир ёғяпти” десам, ҳамма қушлар ўтириб олишади. “Ёмғир тўхтади қушлар яна учадилар, сайрайдилар, дон чўқидилар” десам сиз яна ўрнингиздан туриб, ҳаракат қиласиз. Ўйин шу тариқа давом этади.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Болалар бизнинг гуруҳимизда қандай чиройли қушлар яшайди ?
- Қушларимиз қандай ҳаракатлар қилишни билишади?
- Дарахтга донхўрак нима учун ўрнатилади?
- Қандай ўйин ўйнадик?

30-машғулот
Мавзу: Ажойиб халтача
(таълимий ўйин)

Максад: Болаларни ажойиб халтачада нима борлигини қўли билан пайпаслаб топишга ўргатиш, болаларни сабзавотлар-пиёз, сабзи, картошка билан таништириш.

Кутилаётган натижа:

Болаларнинг тери-туюш сезгилари ривожланади, сабзавотлар-пиёз, сабзи, картошка ҳақида тушунчага эга бўладилар.

Керакли жиҳозлар:

Ажойиб халтача, сабзавотлар: пиёз, картошка, сабзи.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Болажонлар, бугун сизларга "Ажойиб халтача" олиб келдим. Қаранг, халтача жуда чиройли безатилган. Халтачада турли сабзавотлар бор. Ҳозир мен сабзавотларни сизларга кўрсатаман, сизлар уларнинг номини айтасизлар.

Тарбиячи ҳар бир сабзавотни болаларга кўрсатиб номини айтади ва болалар биргаликда 3 марта такрорлайдилар. Ҳар бир сабзавотнинг рангини тушунтиради.

Тарбиячи: Бу - картошка. Бу - пиёз, унинг ранги сариқ. Бу - сабзи, у сариқ рангда.

Энди сабзавотларни халтачага соламиз, сизлар халтачага қўлингизни солиб, сабзавотни ушлаб кўриб қайси сабзавотни ушлаганлигингизни айтасиз ва олиб кўрсатасиз. Агар тўғри топсангиз сизни чапак чалиб олқишлаймиз. Келинлар, болажонлар, ҳар бир сабзавотнинг номини биргаликда 3 марта айтамыз.

Кейин тарбиячи сабзавотларни ажойиб халтачага солади ва навбат билан болаларни чақиради.

Тарбиячи: Қани, болажонлар, ким биринчи бўлиб, сабзавотни ушлаб кўриб қайси сабзавот эканлигини айтмоқчи?

1-бола халтага қўлини солиб, сабзавотни ушлаб кўриб жавобини айтади: Бу картошка

Тарбиячи: Қани ушлаган нарсангизни олинг-чи. Тўғри, баракалла. Қандай билдингиз? (Боланинг жавоби)

Энди Диёра сиз чиқинг. Сиз олган нарса нима? Диёра: Сабзи.

Тарбиячи: Тўғри, баракалла. Сабзи қандай рангда? Тўғри, болажонлар, сабзи сариқ рангда. Сабзини пишириб еса ҳам бўлади.

Қани энди ким чиқади? Ўйин шундай давом этади.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

Болажонлар, бугун биз нималар ҳақида гаплашдик?

Сабзи қандай рангда?

Сизга қайси сабзавот ёқади?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

31-машғулот

Мавзу: Тарбиячи билан биргаликда «Бўри ва эчки болалари» эртагини қайта ҳикоя қилиш.

Мақсад: Болаларни эртакни (тарбиячининг саволлари ва китобдаги расмлар ёрдамида, кейинчалик мустақил) қайта ҳикоя қилишга ўргатиш.

«S» товушини (алоҳида ва сўзда) тўғри ва аниқ талаффуз этишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

Болалар эртакни қайта ҳикоя қилишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар: «Бўри ва эчки болалари» эртагига доир стол театри. Суратлар: сандиқ, коса, сомса, соат, атлас.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи болаларга «Бўри ва эчки болалари» эртагини сўзлаб беради. Кейин сўрайди: «Эчки ўрмонга нима учун кетар экан? (Барра ўтларни емоқ, тиниқ сувларни ичмоқ учун). Болалари – эчкичалар нима қилишар экан? (уйнинг эшигини маҳкам ёпиб олишар, ўзлари ҳеч қаёққа чиқишмас экан). Эчки уйига қайтиб келганда қандай қўшиқ айтар экан? (тарбиячи эчки қўшиғини яна бир марта эслатади).

Эчкининг қўшиғини ким эшитиб қолди? (бўри). У қўшиқни қандай овоз билан айтди? (йўғон, жуда йўғон овозда). Эчкичалар бўрини уйларига киритишдими? (йўқ). Она эчки уйига қайтиб келганда нима деди? (биров йўғон овоз билан қўшиқ айтса эшикни очманглар, уйга киритманглар).

Тарбиячи эртакни яна бир марта ҳикоя қилиб беради. Стол театридан фойдаланиб, болаларга бу эртакни ўйнашни тавсия этади.

“Эчкиларни боқ” ўйини. Тарбиячи чўпон бўлади. Болалар эса

эчкилар. Болалар ўтлоқда сайр қилиб юришади. Эчкилар ўтлоқдан “молхонага” келишганда “мее-мее”деб меърайдилар. Улар овқат сўрашади. Тарбиячи болаларга биттадан олма ёки сабзи беради.

Тарбиячи қуйидаги сўз ўйинларини айтади, болалар эса биргаликда ва якка-якка такрорлайдилар: «са-са-са», «арикдан сакра», «са-са-са» «мен едим сомса».

Тарбиячи болаларга суратларни навбат билан кўрсатади ва «коса, сандиқ, сават» сўзларида «S» товушини ажратиб, икки мартадан талаффуз қилади. «Бу сўзлардаги «S» товушини ажратиб айтишни сўрайди. Болалардан «коса, сандиқ, сават» сўзлари сўзларини яна бир бор такрорлашни таклиф қилади (3-4 бола такрорлайди).

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Эртақнинг номи нима экан?
2. Эчки ўрмонга нима учун кетар экан?
3. Эчки болалари – эчкичалар нима қилишар экан?
4. Эчки уйига қайтиб келганда қандай қўшиқ айтар экан?
5. Эчкининг қўшиғини ким эшитиб қолди?
6. У қўшиқни қандай овоз билан айтди?
7. Эчкичалар бўрини уйларига киритишдими?
8. Она эчки уйига қайтиб келганда нима деди?
9. Эртақ қандай якунланди?

32-машғулот

Мавзу: Таълимий ўйин “Қўғирчоқ Лолани чўмилтирамиз”

Мақсад: Болаларга предметлар номини, ҳолатларини, сифатларини хотирада сақлаб қолишга ўргатиш.

Вазифа Болалар луғатига тоғора, совун, совун соладиган идиш, сочик, кўпиртирмак, совунни ювиб ташламок, артмок, иссиқ, совук, илиқ каби сўзларни киритиш.

Керакли жиҳоз: Қўғирчоқни чўмилтириш учун барча жиҳозлар.

Кутилаётган натижа: Болалар қўғирчоқни тўғри чўмилтиришни ўрганиб оладилар.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи стол устида сув ва тоғора кўяди. Ён томонига 2 та челак туради.

"Бугун болалар, қўғирчоқ Лолани чўмилтирамиз. Қўғирчоқни тоғорада чўмилтирамиз. Чўмилтириш учун сув қандай бўлиши керак. (илиқ). Болалардан бир нечасини сувни ушлаб кўришга

таклиф қилади. Тарбиячи сувни, қўғирчоқни олиб келади. Унинг куйлагини ечади ва тоғорага ўтказди. Болалардан бирига совунни олиб келишни буюради. (нарсалар бошқа стулда жойлаштирилган). Бола совундонни олиб келади.

Болалар совундон сўзини бир неча бор такрорлашади. Тарбиячи болалардан бирига ишқалагични олиб келишни айтади. Тарбиячи болалардан ишқалагични нима учун ишлатилишини сўрайди. Лолани ишқалагич билан ишқалайди. Қўғирчоқнинг сочини совун билан кўпиртиради ва "Совун бошда кўпиради" деган жумлани такрорлашни сўрайди.

Тарбиячи "Мана бу челақда иссиқ сув, мана бу челақда совуқ сув. Мен иссиқ сувни совуқ сув билан аралаштираман. Қандай сув ҳосил бўлади? (Илиқ). Мана шу илиқ сув билан Лоланинг бошини совунини кетказаман. Илиқ сувни чўмичда олиб қуяман. Лоланинг кирини кетказаман" дейди. Бу жумлаларни болалар билан биргаликда айтишади.

Тарбиячи болалардан бирига сочиқни олиб келишни тайинлайди. Социқ нима учун ишлатилишини сўрайди. Тарбиячи қўғирчоқни сочиқ билан артади. Қўғирчоқнинг тунги куйлагини кийдиришади ва ухлашга ётқизишади. Қўғирчоқни беланчакка ётказиб алла айтишади.

Алла десам ухлайди,
Аллаё-алла.
Ухла кўзим, дўндиғим,
Аллаё-алла.
Мунча ширинсан ўзинг,
Аллаё-алла.

Тарбиячи болалар билан биргаликда қўғирчоқни ухлатиб бўлгач, тоғорадаги сув ифлосланганлигини, уни тўкиб юбориш лозимлигини айтади. Совундонни ҳам ўз ўрнига жойлаштиради. Социқни қуритишга қўяди.

Тарбиячи болаларни рағбатлантириб, машғулоти яқунлайди

33-машғулоти

Мавзу: "Қўнғиз нима дейди" шеърини ўқиб бериш.

Мақсад: Болаларда шеърни эшитиб қувониш ҳиссини уйғотиш, шеърни яна бир бор эшитиш ҳоҳишини уйғотиш. Болаларни шеър сўзларини аниқ айташга ўргатиш.

Вазифа: Болаларнинг сўз луғатига: кўнғиз, тиғиз, бировга озор берма, бекорчидан эл безор каби сўзларни киритиш.

Кутиладиган натижа: Болалар шеърни тарбиячи билан биргаликда айтишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар. Кўнғиз расми

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи: болалар қаранглар, бизга кўнғиз меҳмон бўлиб келибди. Тилла кўнғизни кўрганмисиз? Қаранглар, у қандай чиройли? (Тарбиячи шу заҳотиёқ шеърни ўқишни бошлайди.)

Кўнғиз нима дейди?

О. Абдурахмонов

Тилла кўнғиз,
Дейди «ғиз-ғиз»
– Қўйвор мени,
Ишим тиғиз.

Бировга сен
Берма озор,
Бекорчидан
Эл ҳам безор.

Тарбиячи шеър ўқиш билан бирга бир вақтнинг ўзида шеър мазмунига мос тегишли ҳаракатлар қилади. Кўнғизнинг устини силайди. Кўнғиз нима дер экан? («ғиз-ғиз»). Яна нима дер экан? (Қўйвор мени дер экан) Кўнғизни қўйиб юборамизми? Эъзога, кел, кўнғизни силаб қўй. Яна ким силайди? Тарбиячи шеърни яна бир бор ўқийди. Энди кўнғизни учириб юборамиз. Тарбиячи шеърдаги жумлаларни айтишга ёрдам беради.

Тетиклаштирувчи машқ.

“Кўнғизлар” ўйини. Тарбиячи болаларга “Ҳозир гулзорга сайрга чиқамиз. У ерда чиройли гуллар жуда кўп экан. Гулзорда кўнғизлар “жжж” деб ғўнғиллашиб учиб юришади. Болалар, сиз кўнғизлар бўласизлар. Қачон мен “Кўнғизлар учиб келишди” десам, кўнғизлар хона бўйлаб учиб юришади. “Кўнғизлар уйга” десам, кўнғизлар жойларига бориб ўтиришади.

Ўйин шу тариқа давом этади.

Машғулот якунида тарбиячи барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

Болалар билимини аниқловчи саволлар:

У нима ҳақида экан?

Қўнғиз қандай овоз билан учади?
Қўнғиз нима дер экан?
Қандай ўйин ўйнадик?

34- машғулот

Мавзу: "Она боласини чўмилтиряпти" сурати устида суҳбат

Мақсад: Болаларга суратда тасвирланган ҳаётий воқеаларни тушунишга ўргатиш. Сурат бўйича сўзлаб беришга, тарбиячининг тушунтиришларини англаб боришга ўргатиш.

Вазифа: Болаларнинг сўз луғатларини янги сўзлар: "тоғора", "чўмилмоқ", "сочик" каби сўзлар билан бойитиб бориш.

Кутиладиган натижа. Болалар ҳаётий таниш манзараларни сўз билан ифодалашга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар: "Она боласини чўмилтиряпти" расми

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи: Болалар сизни ойингиз чўмилтирадиларми? Чўмилишни яхши кўрасизми? Ойингиз сизни нимада чўмилтирадилар?

Бу расмга қаранг. Бола чўмиляпти.

Ким болани чўмилтиряпти?

Бола нимада чўмиляпти?

Тўғри, расмда тоғора ва унинг ичида ўғил бола ўтирибди. Онаси ишқалағич билан болани орқасини ишқалаяпти. Ўғил бола эса сувда сузаётган ўрдакка кўлини чўзяпти. Бола кулиб чўмиляпти. Тоғоранинг ёнида стулда катта сочик осилган. Тарбиячи расмни кўрсатади ва болаларга уни яхшилаб кўриб чиқиш имкониятини беради. Сўнгра: Бу она. У ўз ўғли Нодирни чўмилтиряпти. Нодир чўмилишни яхши кўради. У "чап-чап-чап" деб сувни ўйнаяпти. Нодир нима деяпти? Болалар "чап-чап-чап" деб жумлани такрорлайдилар. Замира тоғорани кўрсат. Тоғорада сув илиқ. Онаси ишқалағич билан Нодирнинг орқасини ишқалаяпти. Сувда нима сузиб юрибди? (ўрдак). Нодир нима қилмоқчи? (тутиб олмоқчи). Она Нодирни чўмилтириб, тоза сувни устидан қуйяпти. Сўнгра уни сочик билан артади. Сочик қани? Сочик стулда осилиб турибди. Мана, Нодир топ-тоза бўлди.

Тетиклаштирувчи машқ. (ихтиёрий)

Тарбиячи болаларга қандайдир ҳолатни кўрсатади. Қўлларни орқага яшириш, кейин уларни кўрсатиш ва айлантириш. Оёқларни

яшириш кейин уларни тапиллатиш.

Болалар билимларини аниқловчи саволлар.

Болалар расмда нима тасвирланган?

Боланинг исми нима?

Она болани нима қиляпти?

Бола нима қиляпти?

У нима олмоқчи?

Бола сувни нима қиляпти?

35-Машғулот

Мавзу: «S» товушининг тўғри талаффуз қилиш

- **Мақсад:** «S» товушининг тўғри талаффуз қилиш, сўз ва жумлаларда «S» товушини тўғри талаффуз қилиш.

Вазифалар:

- Идишларнинг номларини тўғри айтишга ва уларнинг вазифаларини тушунишга ўргатиш, шакар, конфет ва бошқа сўзлардан ҳосил бўлган сўзлар билан таништириш.

Кутилаётган натижалар:

- «S» товушининг тўғри талаффуз қилиш, сўз ва жумлаларда «S» товушини тўғри талаффуз қилишга ўрганадилар.

Керакли жихозлар:

Қўғирчоқлар (катта ва кичкина), коптоклар (катта ва кичкина), турли рангдаги иккита челақча (турли катталиқда ва рангда), сурнайча, қўғирчоқ, иккита пиёла, иккита майда тақсимча. Чой қошиқлар, чойнак, шакардон, конфетдон, туздон, иккита катта қўғирчоқ (ўғил ва қиз бола).

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи қиз қўғирчоқларни кўрсатади. «Қаранглар, бу ким?» Бу қўғирчоқ-Саида. Саида ўртоғи Санжарни кутяпти. Санжар меҳмон бўлиб келмоқчи. Улар чой ичишади. Саидага хонтахта тузашда ёрдам берамиз. Мана, хонтахта (кўрсатади), мана бу эса дастурхон, чой ичиш учун хонтахтага нималар қўйиш керак?

(Болалар: чойнак, пиёла, қошиқлар ва бошқа идишларнинг номларини айтадилар).

Чой ичиш учун идишлар керак. Тарбиячи алоҳида идишга солиб қўйилган идишларни навбат билан олиб кўрсатади. Уларнинг номларини сўрайди, айтишда қийналган болаларга ёрдам беради: «пиёла, чойнак, коса, майда ликопчалар, тақсимчалар, чой қошиқлар».

Майда ликопчалар нимага керак? (уларга сомса, печенье соладилар). Чой қошиқлар нима учун керак? (шакарни аралаштириш учун). Шакарни нимага соламиз? (шакардонга). Конфетларни нимага соламиз? (конфетдонга).

Саида хонтахтани тузайди. Санжар келди ва кўрпачага ўтирди. Саида ва Санжар чой ича бошладилар. Улар чойни ичиб бўлдилар ва хонтахтадан чойни, идишларни йиғиштира бошладилар.

Келинглари уларга ёрдам берамиз. Азиза, пиёлаларни йиғиштира. Оқил, сен ҳам ёрдамлаш (болалар идишларни йиғиштирадилар ва алоҳида буюмларнинг номини айтадилар).

Келинглари болалар, Санжар Саиданинг уйида қандай меҳмон бўлгани ҳақида сўзлаб берамиз.

Санжар.... Саиданинг уйига меҳмонга келди. Болалар биргалашиб чой ичдилар. Чой ... ширин эди. Болалар чой ичиб бўлгач бирга ўйнадилар.

Ким Саида ҳақида Санжарга сўзлаб беради?

Санжар Саидага расмлар кўрсатади. Саида “S” товушини алоҳида урғу билан талаффуз қилиб, расмларни номлайди.

-Бу нима?

Бу стол.

Бу сочиқ.

Шу тариқа болалар қолган расмларни ҳам номлайдилар.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ким меҳмонга келди?
2. Болалар столга қандай идишларни қўйдилар?
3. Болалар ликопчаларга нималар солдилар?
4. Ким Саида ҳақида сўзлаб беради?
5. Ким Санжар ҳақида сўзлаб беради?

36-машғулот

Мавзу: Кўргазмасиз ҳикоя тузишга ўргатиш.

Мақсад: Тарбиячи билан биргаликда қисқа ҳикоя тузиш малакасини ривожлантириш.

Вазифалар:

- Ҳикоя мазмунини кўргазмасиз тушуниш қобилиятини ривожлантириш.

- Ҳикояни эшитиш малакасини тарбиялаш.
- “С” товушини тўғри талаффуз этиш.

Кўргазмали жиҳозлар: Қуёнча ўйинчоқ, сабзи.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи болаларга қисқа ҳикоя қилади. Бир бор экан, бир йўк экан. Бир қуёнча бор экан. Бир куни қуёнчани қорни очиб ейиш учун сабзи қидирибди. Қуёнча сабзини узоқ қидирибди. Қуёнча сабзи тополмабди. Охири болалар олдига борибди. Болалар қуёнчага сабзи беришибди. Қуёнча сабзини олиб болаларга раҳмат айтибди ва мазза қилиб сабзини ебди. Қуёнча сабзини еб бўлгач болаларга сакраб берибди. Болалар ҳам қуёнчага ўхшаб сакрашни ўрганиб олишибди. Болалар қандай сакрабдилар, қани кўрсатиб беринглар-чи. Болалар сакраётганда тарбиячи қуён ҳақида шеър айтиши мумкин.

Қуёнча	<i>Ҳ. Раҳмат</i>
Бола қуён Чопди, чопди, Битта жойдан Сабзи топди. Воҳ-ей, воҳ-ей.	Ўлжа сабзи –Қизил, асл. Еса борми, Танга ҳузур. Оҳ-ей, оҳ-ей.

Болалар қуёнчага ўхшаб сакраётганларида тарбиячи болаларга “Секин-секин” ўйини таклиф этиши мумкин.

Ўйин: “Секин-секин”

Тарбиячи: Болалар кўп шўхлик қияпсиз, секин-секин овоз чиқармасдан ўтиринглар. Болалар кўрсаткич бармоқчасини оғизларининг олдига олиб келиб, бир-бирларига с-с-с, деб айтадилар ва жойларига ўтирадилар.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Қуёнча нима учун сабзи қидирибди?
2. Ким қуёнчага сабзи берибди?
3. Қуёнча сабзини еб бўлгач болаларга қандай сакраб берибди?

Фойдаланилган адабиётлар

1. М.Фомичева, Қ.Шодиева “Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тўғри талаффузга ўргатиш”-Тошкент-1984йил
2. В.В.Гербова “Занятия по развитию речи в первой младшей группе детского сада”-Москва-1986йил.
3. Қ. Шодиева “Мактабгача ёшдаги болаларни тўғри талаффузга ўргатиш” Тошкент-1990йил
4. Ф.Р.Қодирова, Р. М.Қодирова “Болалар нутқини ривожлантириш назарияси ва методикаси ўстириш методикаси” Тошкент- 2006йил
5. З. Шомуротова “Товушларнинг меъёрий талаффузи” - Тошкент-2007йил
6. Д.М.Джуманова, Ю.К.Прусакова «Қувноқ логоритмика»- Тошкент-2009йил
7. “Болажон” таянч дастури. Тошкент-2010йил
8. Ф.Р.Қодирова ва бошқалар “Мактабгача таълим муассасаларнинг кичик гуруҳи учун нутқ ўстириш бўйича машғулот ишланмалари”- Тошкент-2011йил
9. “Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари” Тошкент- 2013йил.
10. Д. А. Нуркелдиева ва бошқалар “Бармоқлар машқи ва логопедик ўйинлар”. Тошкент -2007 йил.

Мундарижа

	МАШҒУЛОТ МАВЗУСИ	
1	Кириш	3
2	Машғулотларнинг ўқув йили бўйича тақсимооти	4
3	Таълимий ўйин “Топшириқни бажар”	5
4	Полизга мақсадли сайр уюштириш	6
5	“Шолғом” эртагини ҳикоя қилиш	7
6	“У” товушини тўғри талаффуз қилиш	8
7	Таълимий ўйин “Қандай?”	9
8	“Чумчуқ” шеърини ўқиб бериш	10
9	Таълимий ўйин “Қўғирчоқ Лолахоннинг кийимларини кўриш”	11
10	“Болалар товуқ ва жўжаларга дон беришяпти” сурати устида суҳбат	12
11	“Алла” овутомачоғини ўқиб бериш	14
12	Таълимий ўйин “Ким нима қияпти?”	15
13	“Бўри билан эчки” эртагини ҳикоя қилиш	16
14	Таълимий ўйин “Нима қандай қичқиради?”	18
15	“Биз қушларни қандай овқатлантирамыз” сурати устида суҳбат	19
16	“Икки эчки” эртагини ҳикоя қилиш	21
17	Таълимий ўйин “Ким нима қияпти?”	22
18	“Мушук” шеърини ўқиб бериш	23

19	“Боғчада киш байрами” сурати устида суҳбат	25
20	“Чапак- чапак” овутомачоғини ўқиб бериш	26
21	“Қурк товук” эртагини ҳикоя қилиш	27
22	“Болалар овқатланиптилар” сурати устида суҳбат	28
23	Ўзбек халқ эртаги “Мақтанчоқ қуён”ни сўзлаб бериш	29
24	“Саман тойчоқ” шеърини ўқиб бериш	31
25	Таълимий ўйин “Топширик”	32
26	Болалар балиқни овқатлантиряптилар” сурати устида суҳбат	32
27	Ўйинчоқ автомашина, автобусни кузатиш	34
28	“Бўғирсоқ” эртагини ҳикоя қилиш	35
29	“Г” товушини тўғри талаффуз қилиш	36
30	“Офтоб чиқди” шеърини ўқиб бериш	38
31	Қушчани кузатиш	39
32	Таълимий ўйин “Ажойиб халтача”	41
33	“Эчки болалари” эртагини ҳикоя қилиш	42
34	Таълимий ўйин “Қўғирчоқ Лолахонни чўмилтирамиз”	43
35	“Қўнғиз нима дейди” шеърини ўқиб бериш	44
36	“Она боласини чўмилтиряпти” сурати устида суҳбат	45
37	“S” товушини тўғри талаффуз қилиш	47
38	Кўрғазмасиз ҳикоя қилишга ўргатиш	49
40	Фойдаланилган адабиётлар	51

